

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 18-avgust, №33 (1022)

Тайинлов

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурорининг 2016 йил 12 августдаги буйруғи билан Ботир Бахромович Қудратходжаев Тошкент шаҳар прокурори лавозимига тайинланди



Б.Қудратходжаев 1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 1997 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган. У дастлаб фаолиятини 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси кадрлар бўлими иш юритувчиси вазифасидан бошлаб, 1999 йилдан Ҳарбий прокуратуранинг махфий иш юритуви мудири, 2000 йилдан Фарғона ҳарбий прокуратураси терговчи-криминалисти, 2001

йилдан Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси катта терговчиси, бўлим ҳарбий прокурори лавозимида меҳнат қилди. 2003 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг кадрлар бўйича ёрдамчиси, 2004 йилдан Фарғона ҳарбий прокурорининг ўринбосари ва 2006 йилдан эса Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида фаолият олиб борди. 2010-2012 йилларда Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурори лавозимида ишлади. 2012-2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб, 2014 йилдан Сурхондарё вилоят прокурори вазифасини бажарувчи лавозимига тайинланган ва 2015 йилдан шу пайтгача Сурхондарё вилоят прокурори лавозимида фаолият олиб борган.

Тадбир

Баркамол авлод тарбияси — миллий юксалиш омили

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини химоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бо-

риш Республика Ҳарбий прокуратураси органлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ушбу мақсадда тизимда хизмат қилаётган ёш мутахассислар билан мунтазам равишда ўқув-амалий семинар машғулоти ўтказиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 11-13 август кунлари Республика Ҳарбий прокуратурасида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" мавзусида ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

/Давоми 4-бетда/

Келажак олдидаги масъулият

Ёшларни ҳар томонлама қамол инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг муносиб таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятда ўз ўринларини топиши учун шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳар доим давлатимиз эътиборининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: "Ҳиманики ўз олимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандаларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саолати, фаровон келажакни кўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамлар".

Албатта, ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллат ўз орзу-ис-таклари рўйбини келажак авлод тимсолида кўради. Шу маънода ёш авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизнинг эртанги кунни бугунгидан-да гўзал ва нурафшон бўлишини таъминлашга хизмат қилиши аниқ.

Истиклолнинг илк йиллариданоқ Юртобимиз томонидан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, келажак эгаларини тарбиялаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эътибор ва ғамхўрлик йиллар давомида юксалиб борди. Авваламбор, келажак эгаларининг ҳуқуқларини кафолатловчи қонунчилик базаси яратилди.

Истиклолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Соғлиқни сақлаш тизимида узлуксиз равишда амалга оширилиб келинаётган туб ислоҳотлар натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги ошди. Бирламчи

профилактика ва соғломлаштириш тадбирларига устувор вази-фа сифатида ёндашилаётганлиги, никоҳланувчиларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилганлиги, қишлоқларда ҳомиладор аёлларга поливитамин комплекси бепул тарқатилаётганлиги, тиббий хизмат ва шошилинч тез тиббий хизматнинг, шунингдек, болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг бепуллиги, ёшларни спортга кенг жалб қилиш борасида олиб борилган тадбирларнинг барчаси элдошларимиз саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши ва мактаб ишлари давлат назоратида бўлиши белгилаб қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг узоқ ва давомли мақсадларни кўзда тутадиган концептуал голяри асосида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш жараёнида 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йил-

Этироф

Садриддин ТУРДИЕВ,
Хоразм вилоят прокурори
вазифасини бажарувчи

лик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичини ўз ичига олган, мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган иқтисодий инфратузилмасини юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг узлуксиз таълим тизими яратилди. Шу асосда юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 528 та умумтаълим мактаби, 1 та нодавлат таълим муассасаси, 249 та мактабгача таълим муассасаси, 12 та "Баркамол авлод" болалар маркази, 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, болалар шаҳарчаси, оилавий болалар уйи, 15 та болалар муסיқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчасида келажак эгаларининг муносиб таълим ва тарбия олиши учун шарт-шароитлар яратилган. Тизимга мутта-сил равишда янги педагогик технологиялар, илм-фан ютуқлари жорий қилинмоқда. Уқитувчи ва мураббийларга қаратилаётган эътибор, улар меҳнатига муносиб ҳақ тўланаётганлиги, давлатимизнинг юксак мукофотлари билан рағбатлантирилаётганлиги соҳа вакилларини зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришга ундамоқда. Натиха-да қўлга киритилаётган муваффақиятлар йилдан-йилга салмоқли бўлмоқда.

/Давоми 3-бетда/

Тарадду

Янги ўқув йили олдида қўлайликлар

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан янги 2016/2017 ўқув йили олдида мактаб ўқув қуроллари, ларслиқлар, кийим-кечаклар, пойабзаллар кўрғазмаси ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик масалаларига бағишланган брифингда таъкидланишича, 2016/2017 ўқув йили бошланиши муносабати билан умумтаълим мактаблари ўқувчиларини асосий тураги ўқув қуроллари, ларслиқлар, мактаб формаси, кийим-кечаклар ва пойабзаллар билан таъминлаш, ота-оналарга қўлайликлар яратиш мақсадида 10 августдан 10 сентябргача 1 минг 978 мактаб ярмаркаси ташкил этилади.

Улар асосан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, аҳоли гавжум бўлган бозорларда, йирик савдо мажмуаларида очилмоқда. Тоғли ҳамда чўл ҳудудларда юзга яқин кўчма автодўконлар хизмат кўрсатиши ҳам белгиланган.

Айни вақтда ташкил этилган мактаб дўконларида 26 турдаги зарур ўқув қуроллари ва жиҳозлар сотуви ташкил этилган. Булар ўқув, умумий, кундалик, расм, нота дафтарлари, рўчка, портфель, қўлгаб мактаб анжумлари, қизлар ва ўғил болалар учун мактаб, спорт кийим-



лари, пойабзал кабилардир. Мактаб ярмаркаларининг фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда мутасадди ташкилотлар вакиллари билан иборат

иши гуруҳлари тузилган. Жойлардаги мактаб ярмаркаларига асосий турдаги маҳсулотларни ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзбекенгилсановат" акциядорлик жамияти, "Ўзбек-чармпойабзали" уюшмаси,

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси етказиб бераётир.

Маҳаллий ҳокимликлар Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа назорат органлари билан бирга мактаб ярмаркаларида маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги стандартлар талабларига жавоб беришини мунтазам назорат қилмоқда. Нарх-навонинг сунъий тарзда ошиб кетишига йўл қўйилмаяпти. Энг асосийси, тўлов терминалларининг узлуксиз ишлаши таъминланмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Мустақилликка эришганимизнинг илк кунларидан бошлаб, бу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар бүгунга келиб ўзининг юқори самараларини кўрсатмоқда.

МУРОЖААТГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК жавобгарликка сабаб бўлади

Равшанбек АБДУЛЛАЕВ,
Чортоқ туман прокурори

Мамлакатимиз тарихида илк бор инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда кадр-қиммати энг олий қадрият эканлиги белгиланган Конституциямизнинг 35-моддасида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаатлар қилиш ҳуқуқига эга" эканлиги белгиланган бўлган.

Ушбу конституциявий ҳуқуқлар "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан бутун мазмун-моҳияти билан тўлиқ очиб берилди. Ушбу қонун фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, ушбу соҳадаги қонун бузилишлар учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибини янада такомиллаштириш мақсадига ишлаб чиқилган.

Маълумки, ҳар бир фуқаро олдидан турган муаммо, эҳтиёж ёки талаб-истаги юзасидан энг аввало, ўзи яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилади. Ёзма, оғзаки тарзда шариоитни тушунтириш имкониятидан фойдаланади. Қолаверса, МФЙ фаолларига ўз маҳалласидаги ҳар бир оиланинг турмуш тарзи, шарт-шароити ойнадек равшан. Шу ваҳдан келиб чиқиб, маҳалла фаоллари ўз бурчларини одилона бажаришлари мақсадга мувофиқ, Афсуски, жойларда олиб борилаётган бу борадаги ишлар ҳаммиша ҳам ижобий ҳал бўлмаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Чортоқ тумани, Қўшан ҚФЙга қарашли "Чорсу" маҳалла фуқаролар йиғинига Хошимжон Дўстмуродовни (исм-фамилиялар ўзгартирилган) раисликка сайлашда унинг ҳалол, ташаббускор, эл учун жон куйидадиган фидойи эканлигига шубҳа қилмаган эдилар. Дастлаб у чиндан ҳам бу ишончни оқлаб келди. Аммо орадан бир йил ўтар-ўтмай, раиснинг фаолиятида оқсоқлик юз бера бошлади.

Қундай равшанки, моддий билан боғлиқ масалаларда нопокликка йўл қўйиш фаолиятга ҳиёнат қилиш билан баробар. Қолаверса, бундай фаолиятнинг узоққа бориши ҳам мушкул. Х.Дўстмуродов айнан шу масалада адашди. Фуқароларнинг мурожаатларига бефарқлик билан қаради. Ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам пулларини тайинлашда қўпол хатоликларга йўл қўйди. Хизмат ва зифасига бепасандлик билан қарши оқибатда эса хурмати ва обрўсини йўқотди. Унга

ишонч билан қараган маҳалладошларидан уятга қолди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли Қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ, 14 ёшгача бўлган болалари бўлган оилаларга тайинлашни лозим бўлган маблағларни тўққизта ҳолатда асосиз тўлаб юборилишига йўл қўйган раиснинг хатоси бу билан чекланмади. У 2 ёшгача бўлган бола тарбияси билан банд, ишламаётган оналарга нафақа тайинлашида ҳам қасддан талон-торожликка йўл қўйиб, тўртта ҳолатда 2 млн. 202 минг сўм маблағнинг нотўғри тайинлашига сабабчи бўлди.

Шунингдек, раиснинг фаолиятида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ажратишда ҳам бир қанча ноқонуний ишлар юз берганлиги маълум бўлди. Жумладан, бу шахс яна иккита ҳолатда 1 млн. 439 минг сўм пулларни асосиз равишда тўлаб юборган экан.

Минг афсуски, раиснинг кирдикори шу билан якун топмади. У фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида мансабдор шахс бўлган ҳолда 2016 йилнинг январь ойида МФЙга моддий ёрдам ҳамда нафақа пули олиш учун мурожаат қилган 27 нафар фуқаронинг аризаларини қабул қилиб олиб, белгиланган тартибда қайд этиш китобига киритмаган ва бу билан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларини бузган. Ваҳоланки, мурожаат этган шахслардан 7 нафарининг оилавий аҳоли моддий ёрдам ҳамда нафақа пули тайинлашиши ва тўлашишига қонунан тўғри келар эди. Раис фаолиятининг оқсоқлиги туфайли юқоридаги фуқароларнинг мурожаатлари МФЙ нафақа тайинлаш комиссиясида ҳам кўриб чиқилмаган, демак, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилган.

Ҳуқуқий демократик давлат бунёд этиш мақсадига илгариллаб бораётган юртимиз фуқаролари ўртасида бундай ҳатти-ҳаракатларнинг учраши ачинарли, албатта. Бу ўз-ўзидан қонун олдидagi жавобгарликка сабаб бўлиши тайин ва Х.Дўстмуродов ҳам бундан мустасно эмас.

Суд томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан тегишли жазо тайинланди.

Инсонпарварлик тамойили

Инсонпарварлик билан йўғрилган қонунларимизда жиноий жавобгарликдан озод этиш шарт-шароитлари кўзда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIII бобига кўра, шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод этиш мумкин (70-модда). Республика Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Қарориди қайд этилганидек, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўллаши шартлигини аниқлатмайди, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни республикамиз Жиноят кодексининг 65-, 66-, 70-, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим.

Қўштепа туманининг Йўлдошобод қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи йигирма беш

ёшга кирган республикамиз фуқароси — судланувчи Раънохон Бегматовга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нисбатан жазо тайинлашда ушбу талабларга амал қилинди. Суд муҳокамасида тасдиғини топган ҳолатларга кўра, асли Қирғизистон Республикасида туғилган бу аёл қариндошларни кўрган тез-тез кўшни мамлакатга бориб туради. 2014 йилнинг баҳор фаслида эса кўшни мамлакатда яшовчи қариндоши Махфузахоннинг телефон орқали ўргатгани бўйича Фарғона тумани Воҳил қишлоғи орқали чегара постларини четлаб, Қирғизистон Республикасига ўтади. Қадамқой туманида бориб, бир неча ой қариндошларининг уйида яшаб юради ва Қирғизистон Республикаси фуқароси А.Ўлбеговга турмушга чиқади. Турмуш ўртоғи билан икки йил бирга яшайди. Оилавий келишмовчиликлар туфайли у билан ажрашади. 2016 йилнинг январь ойи охирида айланма йўллар орқали, чегара назорат постлари бўлмаган жойлардан Ўзбекистон Республикасининг Фарғона тумани Воҳил қишлоғига ўтиб, Қўштепа туманидаги ўз уйига қайтиб келади. Шу йилнинг февраль ойида

Тимур МИРХИСЕНОВ,
Фарғона вилоят
прокурорининг ёрдамчиси

аёлни яшаб турган уйи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тежирилганда, Р.Бегматова уларга ўзининг қилмишларини баён этади ва қилган ишдан пушаймон эканлигини айтиб, Фарғона тумани Воҳил қишлоғига чегарадан ўтиб келган, божхона ва чегара постлари бўлмаган айланма йўллари кўрсатиб беради. Унинг қонунга хилоф равишда чегарадан тежирилганига ўтишдан иборат жиноий қилмиши иқролигидан ташқари, холислар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар билан тасдиқланди.

Суд Р.Бегматованинг содир этган жинояти унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлиги, оилавий аҳолини эътиборга олиб, жиноят иши судда қўриллаётган вақтга шароит ўзгариб, ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганидан келиб чиққан ҳолда, ЖҚнинг тегишли моддасига асосан судланувчини жазо тайинламасдан озод қилишни лозим топди.



Қадоқлардаги сохта мuddатлар

Махдум АВАЗМУРОТОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят
бошқармаси бўлими катта инспектори

Юртимизда тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун яратилаётган кенг имкониятлардан ҳамма ҳам ўринаи фойдаланяптими? Афсуски, баралла "ҳа" деб айтолмаймиз. Айрим юртолшларимиз давлатимиз томонидан соҳа учун яратилган имконият ва имтиёзларни суниестемол қилиб, пировадилда, наҳомат кўчасига кириб қолмоқдалар. Фаолиятини мамлакатимизда белгиланган қонунлар асосида амалга ошираётган тadbиркорларнинг ишлари эса кун сайин ривожланиб бормоқда.

Аслида тadbиркорлик қиламан, дея қинғир йўлларга бош суқишининг умуман кераги йўқ. Ахир қинғир фаолият кун келиб, жазога етаклаши муқаррар-ку!

СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тadbирда "Мунис" МЧЖ ходимлари Дилшод Комилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамда Собир Азизовнинг ноқонуний ишларига чек қўйилди. Бу шахслар харидорга чет элда ишлаб чиқарилган "Viola" номли пишлоқ ҳамда "Valio" сариеғини 39 млн. 900 минг сўм нақд пулга сотиб, ушбу маблағларни МЧЖнинг назорат-касса машинасига қайд қилишмайди. Махсулотларни сотиб олган харидорга эса фойдаланиши учун сохта йўл ҳужжатларини тақдим этишади.



Тергов-суриштирув жараёнида МЧЖнинг махсулотлари сақланаётган оմбор кўздан кеçирилди, у ерда жами 3 млрд. 900 млн. сўмлик 12 турдаги пишлоқ ҳамда сариеғ махсулоти сақланаётганлиги, шундан 1 млрд. 459 млн. сўмлик 3 турдаги 27,3 тонна пишлоқнинг яроқлилик мuddати ўтганлиги аниқланди.

Жамиятга ўтказилган ҳужжатли тафтишда жамият мансабдор шахслари 7 млрд. 552 млн. сўмлик тушумни қасддан яшириб, ҳисоботларда акс этирмаганлиги ҳам маълум бўлди. Тергов жараёнида жамиятга нисбатан 1 млрд. 621 млн. 700 минг сўмлик қўшимча солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланиб, ундириб олинди.

Бошқарма томонидан жиноятга алоқадор шахслар, уларнинг ҳомийларини аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув тadbирларида маълум бўлишича, Тошкент шаҳрида давлат рўйхатидан ўтган "Мунис" МЧЖнинг давлат агенти бўлиб фаолият олиб бorgan Д.Комилов бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктирган ҳолда, жамият номидан сохта ҳужжатларни расмийлаштириб, чет элда ишлаб чиқарилган махсулотларни нақд пулга сотиш имкониятини яратган экан. Қонунбузарлар Тошкент шаҳри ва вилоятда жойлашган савдо нуқталари, шу жумладан, савдо комплекслари, бозорлар ва умумий овқатланиш объектига чет элдан келтирилган озиқ ва ноозик махсулотларини сохта ҳужжатлар асосида нақд пулга сотиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашгани ҳамда мазкур хуфиёна фаолиятдан олинган даромади ўзaro тақсимлаб келишгани суриштирув жараёнида фош этилди.

Шунингдек, бу кимсалар чет элда ишлаб чиқарилган сут махсулотлари қадоқларидаги кўрсатилган мuddатлар ўтган бўлса-да, уларнинг истеъмол қилиш мuddатини қалбақлаштириб, сохта мuddатли ёзувлар киритишади. Бундан мақсад эса ушбу истеъмол қилиш мuddати ўтган махсулотлардан ҳам мўмал даромад топиш эди. Шукрки, уларнинг бу режалари амалга ошмади. Қонунбузарлар томонидан ташкил қилинган яширин қехдан истеъмол қилиш мuddати қалбақлаштирилган махсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ушбу махсулотлар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лабораториясида синовдан ўтказилганда, улар истеъмолга яроқсизлиги ва истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Давлатимиз қонунлари тadbиркорликни, қўшимча даромад кўришни таққилмайди. Аммо бундай фаолият қонун доирасида бўлиб, давлат ва халқ манфаатларига жиддий зиён етказмаслиги талаб этилади. Шахсий манфаати учун ҳар нарсага тайёр бундай кимсалар эса қинғир ишлари билан узоққа бора олмайдилар. Мазкур қонун бузилиши ҳолати юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.



Келажак олдидаги масъулият

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

2015-2016 ўқув йилида таълим сифати ва самардорлигини ошириш, ўқувчиларни билимлар беллашуви ва фан олимпиадасига пухта тайёрлаш, компьютер савдонлигини ошириш мақсадида "Olimp.urgu.uz" сайти яратилиб, 9-синф ўқувчилари ўртасида математика, физика, кимё, информатика фанларидан онлайн тарзида сиртки фан олимпиадаси ташкил қилинди. Ушбу беллашувларда ҳар бир фандан 800 нафардан ўқувчи иштирок этди ва юқори баҳоларга сазовор бўлди.

2016 йилги "Билимлар беллашуви"нинг республика босқичида 28 нафар 7-8 синф ўқувчилари иштирок этиб, 3 нафар ўқувчи биринчи, 5 нафар ўқувчи иккинчи, 6 нафар ўқувчи учинчи ўринни эгаллади. Бундай муваффақиятлар сони ҳам, салмоғи ҳам кўп.

Халқ таълими тизими фаолиятини таҳлил қилар эканми, муҳтарам Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қисқа муддатда ўз самарасини берганлигини кўрамыз. Жорий ўқув йилида 528 та умумтаълим мактабида 9253 та синфда 231 минг 703 нафар ўқувчига чет тиллар ўргатилди. Чет тиллар кабинетлари талаб даражасида жиҳозланди.

Вилоятда истеъдодли ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли танловларда фаол иштирок этиб, голиблик шохсупасидан жой олаётган ўқувчилар сони ортиб бормоқда.

Ўқувчиларнинг спорт йўналишларида эришяётган ютуқлари ҳам салмоқли. Бу йилнинг ўзида янгиариқлик Фарух Рўзметов дзюдо бўйича, урганчлик Фулом Абдуллаев эркин кураш бўйича Осиё чемпиони бўлди. Республика чемпионида голибликни кўлга киритган, халқаро мусобақаларда иштирок этиб, голиблик наъшидасини сураётган ўқувчиларнинг кўпайиши барчамизни хушнуд қилади. Бундай ютуқларга ёшларни спортга жалб қилиш, спорт иншоотлари барпо этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида эришилмоқда.

Ўтган йили Урганчда барпо этилган спорт шаҳарчаси ёшу кексага бирдай қувонч бахш этди. 2013 йилда қурилиш ишлари бошланганидан кейин

худудга "Ёшлик" деб ном берилди. Қисқа вақтда бу ерда мактабгача таълим муассасаси, болалар майдончалари, умумтаълим мактаби, Туризм ва меҳмонхона коллежи, маҳобатли спорт мажмуаси, автошоҳбехат, 130 та 2 қаватли ва 24 та 4 қаватли турар жой бинолари бунёд этилди. Замонавий равон кўчалар ва хиёбонлар, машиий хизмат ва савдо марказларининг фаолияти йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, Ёшлик шаҳарчаси Урганчнинг энг кўркам худудларидан бирига айланди.

Бу ерда тикланган иншоотлар орасида "Ёшлик" спорт мажмуаси ўзининг алоҳида ўрнига эга. 10 гектарни эгаллаган ушбу спорт мажмуасини бунёд этишга жами 73 миллиард сўм маблағ сарфланди. Мажмуа нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам ўзининг ноёблиги билан туркум иншоотлар ичида барқарорлиб туради, деб бемалол айтиш мумкин.

Ушбу спорт мажмуаси ишга тушиши билан вилоятда болалар спортини ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар очилди.

Таъкидлаш керакки, таълим тизими ислоҳ қилиниши билан бирга, таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида вилоятда 63891 ўқувчи ўрнига эга 86 та касб-ҳунар коллежи ва 6 та академик лицей барпо этилди. Мазкур таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароитлар яратилган. Жумладан, жиҳозланган компьютер синфлари, кутубхоналар, спорт заллари, секциялар, зарур бўлган инвентар билан таъминланган ётоқхоналар, ошоналар ўқувчилар ихтиёрига топширилган. Яратилган бундай шароитларнинг барчаси ўқувчиларнинг танланган йўналиши бўйича чуқур билим олишга пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Узлуксиз таълим тизимининг яратилиши ва таълим сифатининг тубдан яхшиланиши вояга етмаганларнинг билим олишга ва касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширди, бу эса, ўз навбатида, уларнинг бандлигини таъминлаб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни кескин қисқартиришга эришиш имконини берди.

Болалар, жумладан, ўқувчилар орасида жиноятчиликнинг камайиши қувонarli хол, албатта. Шу билан бирга, вояга

етмаганларга нисбатан етарли назорат бўлмагани оқибатида уларнинг ўқув муассасаларига бормаслиги ҳолатлари мажҳудлиги таъбишга солиши табиий. Жумладан, 2015-2016 ўқув йилида биринчи ўзрли сабабсиз сурункали равишда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга келмаган ўқувчилар аниқланиб, тегишли зарур чоралар кўрилиши натижасида давомат 88 фоиздан 96 фоизгача кўтарилиши таъминланди.

Ўтказилган назорат тадбирларида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари масъул ходимлари томонидан машғулотларга сабабсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, ҳисобини юришти ва таълимга жалб қилиш ишлари тўғрисида йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, мамлакатимиз қонунчилигида 12 йиллик таълим мажбурий эканлиги белгиланган бўлиб, қонуннинг мазкур талаби ижросини қатъий таъминлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчи ва талабаларнинг машғулотларга қатнашиш давоматини таъминлаш фақатгина ўқув муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилари зиммасидаги вазифа эмас, балки бу жараён кўп жиҳатдан ота-оналарга, уларнинг фарзанди таълим-тарбияси билан нечоғлик шугулланишларига бевосита боғлиқдир. Ваҳоланки, бола тарбияси ҳам қонуний асосларда, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан ота-оналарнинг фуқаролик ва инсоний бурчидир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан фарзандларининг тарбияси ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, айнан шу асослар билан 200 нафардан ортиқ ота-она жавобгарликка тортилди.

Ўқувчи-ёшларнинг билим олиши, ўз устида ишлаши учун таълим муассасаларининг Ахборот ресурслар марказлари фаолият юритмоқда. Барча ўқувчилар бу марказларнинг тенг ҳуқуқли азоси ҳисобланиши ва уларга шароитлардан тўла фойдаланиш имконияти яратилган. Ахборот ресурслар марказларидаги умумий китоблар фонди 3 млн. 17

миңдан ортиқни ташкил этади.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика фан олимпиадасининг IV босқичида УрДУ қошидаги 2-академик лицей 3-босқич ўқувчилари Худойназар Аҳмедов 1-ўринни эгаллаб, Тошкент дипломатия университетининг жаҳон сиёсати факультетига, Дилшод Базарбаев эса 3-ўринни эгаллаб Тошкент Тиббиёт Академиясининг даволаш иши факультетига имтиёзли қабул қилинди.

2016 йилда вилоятдаги 85 та касб-ҳунар коллежини вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 7 та соҳаси бўйича 98 та тайёрлов йўналишида 27 минг 225 нафар ўқувчи ёшлар битирди. 2015-2016 ўқув йили битирувчиларининг эгаллаган мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида мутасадди ҳудудий бошқармалар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

2016 йил касб-ҳунар коллежларининг 27225 нафар битирувчисидан 22396 нафари билан саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва бошқа соҳалар тасарруфидидаги 13092 та иш берувчи корхона ва ташкилот ўртасида тўрт томонлама шартномалар тузилди.

Прокуратура органлари томонидан коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, бу борада мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини янада ошириш, меҳнат шартномаларининг ҳаққонийлигини мунтазам ўрганиб бориш ва бандлиги таъминланмаган битирувчиларни ишга жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Бугунги кунда вилоят бола-лар кўп тармоқли тиббиёт маркази 285 шифо ўрнига эга бўлиб, муассасида 67 нафар шифокор ва 200 нафар ҳамшира фаолият кўрсатмоқда. Улар жойларда ташкил этилаётган даволаш-профилактика тадбирларида мунтазам қатнашиш, тиббиётдаги энг илғор усулларни пухта эгаллаб, амалиётда қўллашга интилишмоқда.

2014-2015 йилларда Германиянинг Немис Тараққиёт Банки кредити ҳисобидан 42 турдаги замонавий тиббий жиҳозлар марказга келтирилиши режалаштирилган. Бугун-

ги кунга келиб марказга 16 турдаги 43 та тиббий ускуналар келтирилди. Муассасида ҳозирда инвестиция дастури доирасида реконструкция ишлари амалга оширилиб, худудни ободонлаштириш, даволаш кўламини кенгайтириш, шарт-шароитларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Худудий ҳокимликлар томонидан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларни жойлаштириш, ушбу тоифадаги болалар учун таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг турар жойлари сақлаб турилиши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда турар жой билан таъминланиши аҳолига алоҳида эътибор берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи прокуратура органларининг доимий диққат марказида турибди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Ушбу жараёнда, аввало, вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлашга масъул бўлган муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиришга, мазкур йўналишдаги қонунлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган 123 та назорат тадбирида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш мақсадида 300 га яқин прокурор назорати хужжати қўланилди ва шу асосда 726 нафар вояга етмаганнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ёш авлод тарбиясига ҳар доим энг долзарб ва устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётган муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг "Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслини тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий ҳуқуқиятимикидир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазли камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди", деган фикрлари халқимизга хос юксак инсоний фазилатларнинг эътирофи бўлиши билан бирга, барчамизни шу борада янада фаол иш олиб боришга даъват этади.

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртаги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиби, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ.

Ижобий ишлар самараси

Жомбой туманида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Жомбой туманида вояга етмаганлар 43 минг 306 нафарни ташкил этади. 22 минг 82 нафар ўқувчилар ўқийдиган 56 та умумтаълим мактаблари, 1 минг 887 нафар болалар тарбияланаётган 24 та мактабгача таълим муассасалари, 6 минг 301 нафар ўқувчилар тахсил олаётган 7 та касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Туман прокуратураси ва ҳокимлик ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан ҳам ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши натижа берапти.

Айниқса, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим сифатини ҳамда бу жараёнга масъул бўлган барча шахсларнинг масъулиятини ошириш йўли билан болаларни ўқишга қизиқтириш, дарсларга тўлиқ жалб этиш, 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш, таълим йўналишини танлашга кўмаклашиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган тадбирлар бесама қетмади.

Хусусан, тумандаги "Баркамол авлод" болалар марказида 27 та тўғарак мавжуд бўлиб, уларга 870 нафар ўқувчи, 10-сонли болалар мусика ва санъат мактабида 12 та йўналиш бўйича 260 нафар, болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 21 та спорт йўналиши бўйича 1 минг 32 нафар болалар жалб қилинган.



Файзулла ЭГАМКУЛОВ,
Жомбой туман прокурори

Умумий ўрта таълим мактабларида 60 та спорт секциялар мавжуд бўлиб, уларга 9 минг 845 нафар ўқувчи жалб этилган.

Шунингдек, мактабдан ташқари спорт муассасаларига жами 1 минг 606 нафар ўқувчилар жалб этилган бўлиб, уларнинг 875 нафарини қизлар ташкил этади.

Бу борадаги кўрсаткичларни янада яхшилаш учун назорат ва тарбиёт тадбирлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Жумладан, туман ички ишлар идораларида жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этганлиги, таълимдан бош тортганлиги учун профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганлар 37 нафарни ташкил қилган. Уларни қайта жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги, жамият учун фойдали шахс сифатида тарбиялаш, ҳаётда ўз ўрнини топишда кўмаклашиш ва бунда ота-оналарнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туман ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, туман прокуратураси билан ҳамкорликдаги ишлар натижасида профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганларнинг 15 нафари Самарқанд туманидаги "Ситора" болалар оромгоҳига бепул жўнатилиши таъминланди.

Бундан ташқари, профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганларнинг 22 нафари Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар билан таништирилди.

Туман марказидаги 10-сон болалар мусика ва санъат мактабида ушбу вояга етмаганлар, уларнинг ота-оналари, туман ҳудудидаги умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосарлари, "Камолот" ЁИХ етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари масъул шахслари иштирокида учрашув ўтказилди.

Учрашув давомида вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналарига юртимизда таълим олиш, касб эгаллаш учун яратилган шароитлар, имкониятлар ҳақида тушунтиришлар берилди.

Шу билан бирга, профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар яшайдиган маҳаллалар масъул ходимларининг ушбу вояга етмаганлар билан ишлаш ахволи, ҳулқидаги ўзгаришлар ҳақидаги ҳисоботлари тингланди. Учрашув давомида ёшларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари — ўқув қуроллари, спорт кийимлари топширилди. Спорт, мусика ва санъат билан шуғулланувчи ёшларнинг кўргазмали чиқишлари, концерт дастурлари намойиш этилди.

Олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида 9 нафар вояга етмаганларнинг ҳулқи яхшилانган деб топилди, профилактик ҳисобдан чиқарилди.

Бу борадаги олиб борилган ишлар натижасида туманда жорий йилнинг ўтган давр мобайнида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Баркамол авлод тарбияси — миллий юксалиш омили

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Ақбар БОБОЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари ва Сенати аъзолари, олий таълим муассасаларининг профессор ўқитувчилари, таниқли журналист ва олимлар, экспертлар, давлат идоралари ва муассасаларининг масъул ходимлари, Республика Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси бўлим ва тармоқ бошлиқлари ўз маърузалари билан иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик йилларида конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалда тўлиқ таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотлар мазмун-моҳияти маърузачилар томонидан ёритиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, республикаимизда чорак аср давомида сарҳадларимиз дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини барқарор сақлаш, фуқароларимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган, профессионал тайёргарликка эга, бугунги кун талабларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни вужудга келтириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Истиклол йилларида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди. Мудрофа ва хавфсизлик соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим самараси, ҳеч шубҳасиз армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Бугун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки ҳамма ҳавас қиладиган энг нуфузли касблардан ҳисобланади.

Ўз навбатида, дунёдаги ҳарбий-сиёсий вазият шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка таҳдид ва хатларлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги замонда Қуролли Кучларни модернизация қилиш, уларнинг жанго-

вар тайёргарлигини, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай таъжовузга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини доимий равишда ошириб боришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, ён-атрофимизда ва жаҳонда юз бераётган қуролли можаро ва тўқнашувлар, террорчилик ҳаракатлари, радикализм, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётгани ҳар биримиздан огоҳлик ва ҳушёрликни бир зум бўлса-да қўлдан бермаслигини тақозо этади.

Тадбирда шу қаби ва бошқа долзарб масалаларда иштирокчиларга атрофлича маълумотлар бериб ўтилди. Шу билан бирга, республикаимизда янги қабул қилинган қонун республикаимизда янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари, амалдаги қонунчиликка киритилган охириги ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини ижрочиларга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда чегараолди ҳудудларда яшовчи аҳолига тезкорлик билан етказиб бориш юзасидан услубий тавсиялар берилди.

Ёш мутахассисларнинг касбий маҳоратини, ўз хизмат вазифаларига бўлган масъулиятини, амалий тажриба, қўнимка ва маалакарини мунтазам ошириб бориш юзасидан ўзаро фикрлар алмашилди. Ўқув-амалий семинар машғулотлари давомида ёш мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволларига керакли жавоблар олиши.

Уч кунлик семинар давомида ҳарбий прокуратура фахрийлари ҳамда ёш мутахассисларнинг ота-оналари билан ҳам учрашув ташкил этилди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Шунингдек, ёш мутахассислар ўқ отиш бўйича амалий машғулотларни бажариб, ҳарбий ва жисмоний тайёргарликларини синовдан ўтказишди.

Навоий вилоятида фуқароларнинг коррупция ҳолатларини олдини олиш бўйича хабардорлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ақлия ва прокуратура ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Коррупцияга қарши курашиш — долзарб вазифа

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда ижро ва бошқарув органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонуни мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Коррупциянинг олдини олиш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди бош мутахассиси С.Жумаева. — Мамлакатимизда турли давлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назо-

ратини кучайтириш борасида қилинаётган ишлар юксак самаралар бермоқда. Бунда аввало, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш янада долзарб аҳамият касб этиб, оммавий ахборот воситалари орқали порахўрлик ва коррупцияни йўқ қилишга қаратилган ижтимоий роликларни намойиш этиш, турли таҳлилий материаллар чоп этиш, журналист суриштируви ўтказиш айни муддаодир.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида коррупцияга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам фуқароларнинг ижтимоий адолатга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш борасида халқаро ҳужжатлар ратификация қилиниб, миллий қонунчилик базаси тобора тақомиллаштирилмоқда.

Семинарда мавзу юзасидан турли тақдимотлар ўтказилиб, журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Вояга етмаганларнинг меҳнат кафолатлари

Мамлакатимизда болаларга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом авлодни камолат топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Дарҳақиқат, инсон камолоти, мамлакат равнақи бевосита она ва боланинг соғлиги ҳамда қандай муҳитда ҳаёт кечиришига боғлиқ.

Юртбошимиз раҳнамолигида "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади", деган ғоя асосида олиб борилаётган кенг қўламли савий-ҳаракатлар аλλαқонан ўз мевасини бера бошлаган. Ўтган йиллар мобайнида ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, юрт тақдирини ўз тақдирини, деб билмаган баркамол авлодни тарбиялашга, соғлом фарзандларни дунёга келтирадиган оналар саломатлигини мустаҳкамлашга, бир сўз билан айтганда, соғлом ва ҳар томонлама тўқис оилаларни барпо этишга эътибор янада ортди.

Маълумки, бола ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унга мувофиқ, бола туғилиши биланқон инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ, эркинликлари вужудга келди ҳамда улар давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига боланинг асосий ҳуқуқлари, жумладан, бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгаллиги алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига вояга етмаганларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар, меҳнат ҳуқуқлари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар, қисқартирилган иш вақтининг муддати, йиллик меҳнат таътили бериш, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишнинг тақиқланиши, меҳнат шартномасини бекор қилишдаги қўшимча кафолатлар ҳамда таълим муассасаларининг битирувчилари учун қўшимча кафолатлар ўз аксини топган.

Қонунчиликка мувофиқ, ҳар бир бола ёши, соғлиги, касбий тайёргарлигига мувофиқ қонунда ўрнатилган тартибда меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадир. Ишга 16 ёшдан қабул қилишга рухсат берилади. 15 ёшга тўлганлар ишга ота-оналаридан бирининг ёки ота-оналари вазифаларини ўтаётганларнинг ёзма тарздаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Меҳнат шартномаси тўзиш ва ишга қабул қилиш чоғида вояга етмаганлар учун қўшим-

ча кафолатлар назарда тутилган. Жумладан, уларнинг саломатлиги ва маънавий-ахлоқий тарбияси муҳофазаси этилиши учун моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишларга, ўриндошлик асосида 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилинишлари тақиқланади. Шунингдек, қонун ҳужжатларида 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмайдиган касблар, ишлар назарда тутилган.

Давлат боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқини 18 ёшга тўлмаганларнинг ишни ўқиш билан қўшиб олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва қонунда кўзда тутилган бошқа чора-тадбирлар орқали кафолатлайди. Ҳар бир бола, шунингдек, ёши, соғлиги ва эҳтиёжларига мувофиқ дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Боланинг соғлигини сақлаш ҳуқуқини давлат қонунчиликка мувофиқ, бепул тиббий ёрдам кўрсатиши билан кафолатлайди. Бу малакали тиббий хизматни ташкил этиш, бола ва унинг ота-онаси соғлигини назорат қилиш, касалликларга қарши профилактикани амалга ошириш, касбий лаёқатни аниқлашда давлат бюджетини ҳисобидан бепул тиббий маслаҳатлар бериш, озиқ-овқатларнинг сифатли ишлаб чиқарилиши ва сотилиши ус- тидан назорат ўрнатиш, соғ-

лом турмуш тарзини тарғиб этиш ва рағбатлантириш каби чора-тадбирлар воситасида таъминланади.

Айниқса, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши жамиятда бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва кафолатларининг аниқ механизмлари яратилишини таъминлади. Шу билан бирга, қонунда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида назарда тутилган боланинг асосий ҳуқуқлари мажмуи мустаҳкамланди, унинг асосий принциплари ва қоидалари миллий қонунчилигимизга уйғунлаштирилди.

Меҳнат муносабатларидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг бола ҳуқуқларида кафолатла- ниши тўғрисида сўз юритганда, аввало, бу борада ҳам мил- лий қонунчилигимиздаги усул- вор жиҳатларга тўхталиб ўтиш лозим. Бу устувор жиҳатлар, албатта, миллий кадрятлари- мизни, бола тарбиясидаги анъаналаримизни қамраб ол- ган. Болалар ва ўсмирларнинг соғлиғига, ривожланишига, шунингдек, таълим олишига тўқсизлик қилмайдиган иш- ларни бажариши ихобий ҳол, деб баҳоланади. Бу каби меҳ- нат болалар тарбиясига, оила

Зафар БОЙСИНОВ,
Бош прокуратура
бошқарма прокурори

фаровонлигига кўмак бериш билан бирга, боланинг кела- жакда жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун зарур таъриба ва кўникмаларни эгаллашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, ишонч билан айтиш мумкин, меҳнат муносабатларидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилигимизда акс этган бола ҳуқуқларида кафо- латланиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Зотан, буларнинг барчаси Ўзбекистон Респуб- ликаси Конституцияси, Меҳ- нат кодекси, Оила кодекси, "Бола ҳуқуқларининг кафолат- лари тўғрисида"ги Қонун, "Таълим тўғрисида"ги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларга оид қонунларда мустаҳкамланган.

Дарҳақиқат, биз буюк кела- жагимизни, авваламбор, ёш оилалар, ёш авлод тимсолида кўраемиз. Вояга етмаганлар- нинг бугун қандай таълим-тар- бия олиши бевосита мамла- катимиз эртасига дахлдор экан, бу борадаги ишларни асло су- сайтириб бўлмайд.

Халқимизда "Кўп ўқиган — кўп билди" деган гап бор. Айниқса, бу билим ёшларга эгалланса, тошга ўйилган нақш каби онгу қалбга муҳрланади. Шу маънода, ёш авлоднинг билимини бойитишда болалар китобхоналигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Китобга шайдолик болаликдан бошланади

Юртбошимиз раҳнамоли- гига ёшларга пухта билим бериш, уларнинг маънавиятини оқсалтириш бораси- да амалга оширилаётган кенг қўла- ми ислохотлар жараёнида навқирон авлоднинг китобга бўлган меҳрини, мутолаа маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маънавият масканлари, ахборот- ресурс марказлари барпо этилаёт- гани, мактаблар қошидаги кутубхо- наларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, бадий, маъриф- тий, илмий-оммабоп адабиётлар билан бойитиб борилаётгани соҳа равнақи йўлида кўрсатилмаётган ул- кан эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Ёшларга таътил мавсуми давом этаётган айни пайтда болаларнинг се- вимли масканига айланган "Самар- қанд китоб олами" мажмуаси ҳар доим гавжум.

Самарқанд вилоятида ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тар- биялаш мақсадида бир қатор тад- бирлар амалга оширилмоқда. Жор- ий йилнинг май ойида Самарқанд шаҳри марказида — Амир Темура ва Бўстонсарой кўчалари кесишган чорраҳада "Самарқанд китоб олами" мажмуаси иш бошлаган эди. 2500 нондаги 50 мингдан ортқ китоб фондига эга бўлган мажмур даргоҳ- нинг шаҳардаги 6 та олий ўқув юрти, 4 та мактаб, 3 та академик лицей, 3 та касб-хунар коллежлари яқини- да жойлашгани кўплаб талаба ва ўқувчилар учун қўлайлик яратган.

Яқинда вилоят прокуратураси ташаббуси билан "Гўзал ва бетак- рорисман, муқаддас Ватаним, жоним сенга фиқо, Ўзбекистони!" шиори остида Самарқанд шаҳри- даги 64-сонли алоҳида тарбияга муҳтож болалар мактаб-интернати

Дилмурод САЙИДКУЛОВ,
Самарқанд вилоят
прокурорининг ёрдамчиси

ва меҳрибонлик уйлари тарбияла- нувчилари учун "Самарқанд китоб олами" мажмуасига саёхат уюшти- рилди.

Ўтказилган тадбирда тарбияла- нувчиларга муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда юк- сак маънавият ва интеллектуал са- лоҳият авлодни камолга етказиш, миллий ва умуминсоний кадрятларга ҳурмат тўғрисида қўйилган иш- лар ҳақида сўзлаб берилди.

Болалар бу даргоҳда "Президент асарлари билимдонни", "Сийёсий- ҳуқуқий китоблар" бўлимлари, кирот- атона, виртуал китоблар маркази, "Хорижий нашрлар зали", "Болалар зали", тақдимотлар зали ҳамда "Book safe" фаолияти билан таниш- дилар.

Анжуман сўнигида меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига бадий китоб- лар ва дарсликлар эсдалик совғаси тариқасида тақдим этилди.

Бўлиб ўтган тадбирда болалар хурсандчилигини ихроҳ этишиб, ёшларнинг маънавияти ва билим са- виясини ошириш борасидаги саъй- ҳаракатлар ва ўзларига кўрсатилган гамхўрлик учун муҳтарам Юртбоши- миз номига самимий миннатдорчи- ликлар билдирдилар.

Мақсадимиз болаҳонларнинг китобга бўлган меҳрини ошириш, маъ- навиятини оқсалтириш, қолаверса, ёшлар таътил дамлари завқли ва мароқли ўтишини таъминлашдир. Буни болаларнинг олаётган таассу- рларидан англаш қийин эмас.



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирли- ги ташаббуси билан "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори ости- да навбатдаги тиббий-ижтимоий ак- сия бошланди.

Юртимизда соғлиқни сақлаш- тизимда олиб борилаётган тўб ислохотлар аҳоли сало- матлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофазаси қилиш, миллий генофонди- ни мустаҳкамлашда юксак самаралар бераётди. Президентимизнинг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репро- дуктив саломатлигини янада мустаҳкам- лаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғли- гини муҳофазаси қилиш борасидаги Дав- лат дастури тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дасту- ри асосида аҳолига кўрсатилаётган тиб- бий-профилактика ёрдами тобора ривож- ланмоқда.

Ушбу йўналишдаги вазифаларни ҳаёт- га татбиқ этишда анъанавий тарзда ўтка- зилаётган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" акциясининг ўрни ҳам ортди бўлаётди. Ўтган йилларда ташкил этилган ушбу соғломлаштириш ҳафталик- лари доирасида 26 миллиондан кўпроқ аҳоли чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йилли- ги арафасида ўтказилаётган навбатдаги

Мамлакатимизда навбатдаги саломатлик ҳафталиги бошланди

тиббий-ижтимоий акцияни ҳам худудлар- да юқори савияда ташкил этишга алоҳи- да тайёргарлик кўрилди. Яқинда бўлиб ўтган патронаж ойлиги доирасида тор мутахассислар кўригига эҳтиёжи бўлган беморларнинг рўйхати шакллантирилди. Ушбу беморларни ва барча аҳолини тўла- қонли тиббий текширувдан ўтказиш мақ- садида пойтахтимиздаги ихтисослашти- рилган илмий-амалий тиббиёт марказла- ри, илмий-текшириш институтлари, тиб- биёт олий таълим муассасаларининг етак- чи олим ва фан докторлари, таниқли ши- фокорлар мазкур тадбирга жалб этилди.

— Айтиш керакки, юрак-қон томир ти- зимида кечаётган жараёнларга ташхис қўйиш учун замонавий шартитлар ва янги диагностика воситалари керак, — дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирли- гининг бош кардиологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Рифат Мамутов. — Шуниси эътиборлики, бугунги кунда бир- ламчи тиббиёт муассасаларимизда бун- дай текширувларни амалга ошириш учун барча шартит яратилган. Ҳатто қишлоқ врачлик пунктларида ҳам замонавий те- хнологиялар, лаборатория таҳлил восита- лари мавжуд. Бунинг натижасида қишлоқ аҳолиси ўзи яшаётган худуддаги ҚВПлар- да замонавий тиббий ёрдамдан фойдала- ниш имкониятига эга бўлаётди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирли- гининг маълумотига кўра, ушбу соғлом- лаштириш ҳафталиги мобайнида аниқлан- ган юқори технологияли текшириш ва да- волашига муҳтож беморлар учун август ойининг учинчи ўн кунлигида яна бир му- ҳим лойиҳа амалга оширилди. Яъни пой- тахтимиздаги ихтисослаштирилган илмий- амалий тиббиёт марказлари, илмий-тад- қиқот институтлари, етакчи клиникалар ва уларнинг худудий филиалларида "Очик эшиklar кунин" ўтказилди. Шу кунини мах- сус йўлланма билан ушбу тиббиёт муас- сасаларига келган беморлар бепул тиббий текширувдан ўтказилиб, даволанади.

Суд ҳокимияти мустақиллиги унинг одил судловни амалга оширишдаги аҳамияти


Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартлари билан бири ҳақиқий суд ҳокимиятини шакллантириш, унинг реал мустақиллигини таъминлашдир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг қонунчилик асослари замон талабига мувофиқ такомиллашга тинч фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самардорлигини оширмақдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида илк бор ҳокимият бўлиши принципи мустаҳкамлаб қўйилди. Унга қўра, мамлакатда давлат ҳокимияти бир-биридан мустақил бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинди.

Конституциянинг 112-моддасида: "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади", деб белгиланган қўйилган. Ушбу конституциявий талаблар асосида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари юксак самара бермоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар жараёнида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди. Улар асосида инсон ҳуқуқларини амалга оширувчи ва ҳимоя қилувчи органлар ва давлат идораларининг ҳуқуқий базаси яратилди. Айниқса, 2001 йилнинг 29 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимча-



лар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ривожини янги bosқичга олиб чиқди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима тариқасидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонлари бу борадаги ислохотлар равнақида муҳим қадам бўлди.

Қонун ҳужжатларини амалда тўлиқ ижро этиш шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамияти касб этади. Чунки қабул қилинган ҳуқуқий меъёро белгиланган тартибда ижро этилмас экан, мазкур Қонуннинг аҳамиятига, нуфузига путур етади, жамиятда

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифалари тўлиқ bajarилмай қолади. Шунингдек, суд қарорларининг ижро қилинмаслиги қарздор манфаатига хизмат қилиб, ундирувчининг танг аҳволда қолишига сабаб бўлади. Оқибатда иқтисодий соҳада ўзаро рақобат ва тенг шерикчилик муносабатларига путур етади, иқтисодий ўсиш самардорлигига таъсир кўрсатади.

Конституциянинг 114-моддасида: "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, барча бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир", деб белгиланган. Ушбу конституциявий қоида ижросини таъминлаш борасида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти зиммасига катта масъулият юклатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дастлаб суд ижрочилари судлар таркибида бўлиб, улар ўзлари чиқарган қарор ижросини ўзлари амалга оширар эди. Бу эса ўз навбатида, судьяларнинг ортиқча вақт сарфлаши ҳамда иш самардорлигига таъсир этмай қолмасди. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш, судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида 2001 йил 22 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Суд департаменти зиммасига суд қарорларини ижро этиш, шунингдек, судлар фаолиятини моддий-техника билан ҳамда молиявий таъминлаш ҳамда асосий вазифалар юклатилди. Бу эса ўз навбатида, судларни ўзига ҳос бўлмаган вазифаларни баҳарширдан озод қилиб, судлар томонидан чиқариладиган процессуал ҳуж-

жатларнинг самардорлигини оширишга хизмат қилди.

2010 йилда Президентимиз томонидан парламентга тақдим этилган дастурий ҳужжат — Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ўзбекистонни иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ривожлантиришнинг истиқболдаги устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Концепцияда, айниқса, қонун ижодкорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур Концепцияга мувофиқ, 2011 йилда ва 2014 йилда Конституциямизга киритилган тўзатишлар, давлат қурилиши соҳасида қабул қилинган бошқа қатор қонунчилик ҳужжатлари давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, мамлакат ҳукумати ва қолатларини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро тўғри туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантириш ва оптималлаштиришни таъминлади. Шунингдек, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган процессуал мажбуриятлар чоралари тизимига янги — уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши ҳам ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Бинобарин, эҳтиёт чоралари тизимига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг узвий давомидир. Бундай чора жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қулай шaroитлар яратиш билан бир қаторда, ноҳуя қилмиш содир этган шахсга ўз оиласи бағрида бўлиб, тегишли хулоса чиқа-

Ойбек АСКАРОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Наманган вилоят бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

риб олишига замин яратади. Бундан ташқари, 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексининг бир қатор моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгаришларга қўра, энди апелляция шикоятга ёки протести бўйича тушган ишни судда қуриш мuddати йигирма кундан қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бу ҳам ўз ўрнида биринчи инстанция судлари қабул қилган қарор устидан тушган шикоят (протест)ни кўриш жараёнида тарафларга ўз тўшунтириш ва вақларини далиллар билан асослантириб беришлари учун ҳамда судга ишни ҳар томонлама ва атрофлича ўрганиб чиққан ҳолда адолатли қарор чиқаришга ёрдам берадиган имкониятларнинг кенгайтиришдан далолат беради.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида ўз аксини толган ўзгариш ва қўшимчаларнинг барчаси жамиятимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги ислохотларнинг мантиқий давомидир. Бу янги нормалар, шах-шубҳасиз, фуқаролик суд ишларини юриштирда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади.

Суд-ҳуқуқ тизимида қисқа мuddат ичунда бундай кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши, аввало, ҳуқуқий демократик, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда суд тизими самардорлигини ошириш, судлар ва бошқа органлар томонидан чиқарилаётган ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир

Одамзод шундай: ҳар қандай қийинчилик, мусибатга бардош қилиши мумкин, бироқ эркинлик, қарамликка асо чолаолмайди. Инсоният доимо озод бўлишни, ҳақ-ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинадиган жамиятга яшашни истайди. Бундай жамиятини эса фақатгина мустақил давлат тақдим қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам азалдан мамлакатлар мустақиллик учун, ҳақли озодлиги учун курашиб яшаган. Шукрки, Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида бундан йигирма беш йил аввал халқимиз узоқ куттилган истиқлолга эришди.

Айни келда мустақиллик тизимини қилинган энг улғу, энг азиз кун — Истиклол байрамини кенг нишонлаш арафасида турибмиз. Албатта, бу кун халқимизнинг энг катта шодлиғидир. Мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ислохотлар барча соҳаларни қамраб олгани, бунёдкорлик ва яратувчанлик кенг қулоқ ёзиб, юртимиз кундан-кунга янада гўзаллашиб бораётгани, халқимиз турмуши фаровонлашиб, бахтли ҳаёт кечираётгани "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлди?" деган саволга жавоб ҳозирлаб турибди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Юртимизимиз раҳнамолигида эришган барча ютуқларимиз, аввало, юртимизда инсон ва унинг манфаатлари устувор этиб белги-лишгани билан боғлиқ десак, асло янглишмайми. Хусусан, амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг

туб моҳиятида ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадриятдир, деган қонданнинг мазмуни акс этган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг туб моҳияти инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда бунинг кафолатларини яратишдан иборат. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулияти тўғрисидаги қонданнинг мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг давлат манфаатларидан устувлиги ифодасидир. Дарҳақиқат, шахс жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланади ва ҳар бир инсон шахс сифатида ҳурмат қилиниши лозим. Зеро, инсон озод бўлиб туғилади ва у эркин яшаш, табиий ҳамда қонуний ҳуқуқларидан дахлсиз фойдаланишга ҳақли. Бундай

олий қадриятлар амал қилган, бу борада мамлакат аҳлининг, ўз фуқароларининг қатъий ҳимоясини таъминлаган давлат ҳар томонлама тараққий этаверди. Чунки мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя шахснинг меҳнат қилишга, ижодий, интеллектуал қобилиятлари, ташаббускорлигини намоён этишга бўлган интилишларини қучайтириб, унга кенг имкониятлар беради. Шу билан бирга, одамларнинг ўзига, жамият ва давлатга бўлган ишончининг, ўз ўрнида, садоқатини оширади.

Мустақил демократик йўлдан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улғу мақсади, аввало, халқимиз манфаатлари қўзланган ислохотларни амалга оширишга қаратилгани билан эътиборлидир. Ўзбекистон Республикасида Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлик, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб инсон ҳуқуқлари гоёларига содиқлиги-

ни ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устувлигини эълон қилди. Бунинг тасдиғи сифатида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларга қўшилганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик халқаро шартномалар талабларига мутаносиб равишда изчил ишланаётган. Миллий қонунчилигимиз ҳам умуминсоний тамойилларни ўзида мукжасан этган ҳолда тақомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида барча давлат органларининг фаолияти ўз ваколатлари доирасида инсон ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга жамият тараққийетини юксалтиришга қаратилган.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, юртимизда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Истиклол шарофати билан халқимиз инсониятнинг асл орзуви бўлган озод ва обод Ватанда, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинадиган жамиятда бахтиёр яшамоқда.

Махшурпа ХОШИМОВА, ҳуқуқшунос

Маълумки, республикамизда алкогольни маҳсулотларнинг олади-сотаси тегишли қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Табиики, қоидаларга амал қилинмаса, кишилар саломатлиги ҳаф остида қолиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилади. СВОЖДЛҚ департаменти томонидан истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, ноқонуний ишлаб чиқарилган ва контрабанда йўли билан олиб келинган алкогольни маҳсулотларнинг сотилишига йўл қўймастик босқисида тегишли чора-тад-

бирлар олиб борилмоқда.

Бироқ баъзи шахслар томонидан бундай маҳсулотларни яширин ишлаб чиқариш, уларни ноқонуний равишда муомалага кириштириш ҳолатлари учраб турибди. Ана шундай ноқонуний даромад олиш пайига тушган кимсалар ичида аёлларнинг учраши кишини таажжубга солади. Жумладан, фуқаро Марзия Хушбекова (исм-фамилиялар ўзгартрилган) оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзанднинг онаси бўла туриб, қонунга зид иш

тутди. У ҳужжатларсиз, қўлбола усулда Қозоғистон Республикасида тайёрланиб, 1,5 литрли идишларга қуйилган, умумий нархи 4 млн. 200 минг сўмлик спирт маҳсулотларини республикамиз ҳудудига олиб келаётгани аниқланиб, тезкор ходимлар ушланган.



Суд томонидан фуқаро М.Хушбековага нисбатан қону-

деб...

Музаффар УМАРОВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги
СВОЖДЛҚ департаментининг
бўлим бош инспектори

ний жазо берилди.

Таъкидлаш жоизки, қонуний тадбиркорлик учун доимо йўллар очиб, Ноқонуний даромадни деб юрт иқтисодиётига, эл саломатлигига зарар етказганлар учун жазо муқаррардир. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Жувоз ёғи соғлиққа зарар аммо буни баъзилар унутиб қўймоқда

Маълумки, пахта ёғи озиқ-овқат маҳсулоти сифатида жуза қарланади. У нафақат истеъмол қилинади, балки ундан совун, алиф, лак-эмаль ва бошқа хил бўёқлар ишлаб чиқарилишида ҳам кенг фойдаланилади.

Ораминда пахта ёғини санитария-гигиена қоидаларига амал қил-масдан, қонунга зид равишда ишлаб чиқараётган "уд-дабурунлар" ҳам учраб турибди.

Беруний туманида яшовчи Барно Мусаева (исм-фамилиялар ўзгартрилган) ана шундай шахслардан бири экан. У дастлабки тергов даврида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номалум шахслардан кимёвий ишлов берилган пахта чигитининг килограм-



мини 400 сўмдан сотиб олади. Ушбу чигитдан ўз уйида ўрнатилган қўлбола мойжувоз ёрдамида давлат стандарти ва истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган пахта ёғини ишлаб чиқа-

Зафар САБУРОВ,
СВОЖДЛҚ департаментининг
Қорақалпоғистон Республикаси
бошқармаси Матбуот
гуруҳи катта инспектори

риб, уни сотиш учун идишларга солиб қўяди. Бироқ у мақсадига ета олмади. Унинг ноқонуний фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фoш қилинди. Тадбир давомида унинг яширин цехидан кимёвий ишлов берилган пахта чигити, 80 кг. жувоз ёғи ашёвий далил сифатида олинди.

Суд ҳукмига қўра Барно Мусаевага тегишли жазо тайинланди.

Хавфли ширинликлар

Мавлонжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
СВОЖДЛҚ департаментининг Учтепа туман
бўлими катта суриштирувчиси


Бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун барча ҳуқуқи асослар етарли. Бироқ гурuch курмаксиз бўлмаганидек, ўз ишига виждонан ёндашиб ишлаётган тадбиркорлар орасида бундай хислатлардан йироқ бўлган, давлат томонидан яратилаётган имконият ва имтиёзлар моҳиятини тушунмаган ёки ақсинча, бундай имкониятлардан ўзининг гаразли манфаатлари йўлида фойдаланишга интилаётган сохта тадбиркорлар ҳам учрамоқда.

СВОЖДЛҚ департаментининг Учтепа туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Равил Исанов (исм-фамилиялар ўзгартрилган) 2016 йил 12 январь кун "Урикзор савдо комплекси" атрофида фуқаро Улуғбек Рустамовга чет элда ишлаб



чиқарилган, сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ва ярқоқлик мuddати ўтган, жами 63 минг 840 дон "Corny big", "Corny milch", "Corny choco", "Corny gold" номли 131 млн. 40 минг сўмлик қандолат маҳсулотларини сотаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Мақзур ҳолат юзасидан Р.Исановга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан қонуний жазо тайинланди.



«Суперконтракт»

Комил РАҲИМОВ,

СВОЖДЛҚ департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

Сўхроб Қодиров таниши Санобар Жаъфаровани (исм-фамилиялар ўзгартрилган) учратиб қолди.

— Жияним институтга қиролмади, агар "суперконтракт" бўлсаям киритмоқчи эдик.

— Танишларим бор, ўтган йили биттасини тиббиёт институтига киритган эдик, — деди Санобар.

— Уша танишингизга айтинг, жиянимни ҳам киритиб берсин.

Санобар "Яхши, хабар қиламан", деб кетди. Икки кундан кейин Сўхробни кафедра учрашишга чақирди. Борса, у Манзура Мустафоева билан ўтирган экан. Сўхробнинг ёнида у Фуломжон Одиловга телефон қилиб, ёрдан сўради.

— Етти минг доллар деярли, "гарантия" бераяпти, — деди Сўхробга.

— Бунча беролмайман, 6 минг бераман. Ҳозир ёнимда 4 минг бор, кирганидан кейин 2 мингини бераман, — деди Сўхроб пулни санаркан. Манзура рози бўлди. Пулни олиб хайрлашди ва келтириб Фуломжон Одиловга берди. Бу шахс эса "Вазирликдаги акам билан гаплашиб, албатта ҳал қиламан", деди.

Лекин айтилган ваъдалар вақтида бажарилмади. Ахир қандай бажарилсин, бу ўз нафсини ўйлаб қилинган фирибгарлик эди, холос.

Сўхроб натижасини суриштираверган, ноилоҳ қолган Фуломжон яна 2 минг АҚШ долларини олиб келишини айтиди. Бироқ бу сафар С.Қодиров ҳушёр тортиди.

Уларнинг қинғирликлари ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

Санобар, Манзура ва Сўхроб фирибгарликни ўзига касб қилган Ф.Одиловнинг ёнига бориб, ушбу масалани муҳокама қилишгаётганида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Айбдорлар барча қилмишларини тан олишди.

Суд томонидан айбдорларга қонуний жазо тайинланди.

Н.Толипов одатагидек Касби тумани марказидаги савдо дўкони атрофида мижоз кутиб турарди. Унинг олдига ўзи уйлаганидек, каттароқ суммалар керак бўлаганин мижоз келди.

Енгил даромад илинжида

Ахбор ХУРРАМОВ,
СВОЖДЛҚ департаментининг
Қашқадарё вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

— Курс қанча бўляпти, ака?
— Келишамиз-да, ўзи қанча бор? — дея Н.Толипов тараддуланди.

— Сал кўпроқ эди, 17 минг.
— Ҳаммасини алмаштириб бераман. Пулдан муаммо йўқ, ака.

Н.Толипов бу мижозни қўлдан чиқариши мумкин эмасди. Шу сабабли у ўша заҳоти унинг қўлига 10 миллион 740 минг сўм тутқазди. Пулнинг қолганини қаршилиқ шерикларидан олиб беришини айтиб, мижоз билан Қарши шаҳрига келди. Бу вақтда Н.Толипов қонунга хилоф равишда валюта айирбошлаш билан шуғулланишнинг жиноят эканини, қинғир ишнинг қийғи чиқилишини ўйлаб ҳам кўрмади.

Н.Толипов шериклари Н.Жамилов ва Қ.Хуррамов билан мижозга 30 миллион 120 минг сўмини бериб, ундан келишилган АҚШ долларини олаётган вақтда СВОЖДЛҚ департаменти ходимлари томонидан қўлга олинди.

Тадбирда улардан 40 миллион 860 минг сўм пуллар ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинди. Шунингдек, Қ.Хуррамовдан 1152 АҚШ доллари, Н.Жамиловдан 550 АҚШ доллари ва 369 минг сўм, Н.Толиповдан 3378 АҚШ доллари ҳамда 7600 Россия рубли расмийлаштирилиб, олиб қўйилди.

Айбланувчиларга нисбатан суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.



Бебошлик келтирган кулфат

Спиртли ичимлик билан ошно бўлганларнинг аксарияти бу оғуға ружу қўйишнинг оқибати қанчалар аянчли яқун топишини яхши билганлари ҳолда, нафсларини жиловай олмайдилар. 1959 йил Бўстонлик туманида туғилган Бахтиёр Қаршиев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ана шундай кимсалар тоифасидан бўлиб чиқди.

Бирор жойда ёлчилик билан ишламагани етмагандек, бўш вақт топди дегунча, пул тиқиб, хўроз уриштиришни одат қилган бу кимсанинг "кўча хандон, уй зиндон"га айланганидан оила аъзолари безор бўлишган эди.

Бебошлик охир-оқибат оиланинг пароканда бўлиши билан яқун топди. Эр-хотин расман ажрашди. Шундай бўлса-да, Б.Қаршиев бўларбўлмас собиқ хотининикига келиб, жанжал чиқаришни, ўзига алоҳида уй-жой олиб беришни талаб қилишни канда қилмади.

Орадан кўп ўтмади, ўртага қариндош-уруғлар тушиб, уларни яраштиришмади-ю, фақат агар Б.Қаршиев эски хунарларини ташласа, унга собиқ хотинининг уйда ашшига ижозат олишга муваффақ бўлиши. Бирок бу билан уларнинг ўртасидаги низолар барҳам топмади. "Ўрганган кўнгли, ўртанса қўймас", деганларидек, тараллабебод қилишни, хотини билан икки ўғлига зуғум ўтказишни канда қилмади. Бу орада катта ўғилни уйлантиришди. Афсуски, ота бўлиши "Энди қайнонта деган номим бор, бировнинг боласи уйимга келди, шунга яраша бўлишни керак", дея мушоҳада қилиб ўтирма-



ди. Аксинча, унинг "душман"лари сафига энди келин ҳам қўшилди.

Кўп ўтмай икки ўғил ишлаш учун Россияга кетишди. Маълум вақт ўтиб каттаси қайтиб келса, уйдаги ахвол ўзгармабди, ота-отасининг орасида заррача илиқлик пайдо бўлмади. Бунга чидолмай отасидан нима исташини сўраган эди, у "Икки хоналик квартира олиб берсанг, чиқиб кетаман", деган шартни қўйди. Уларнинг уйидаги низолардан безган қариндошлар билан маҳалла фаоллари ҳам бу таклифни маъқуллади. Шундан кейин ўғил отасига квартира кидиришга киришди.

Уша куни бир қариндошининг уйида истикомат қилаётган Б.Қаршиев уйи яқинидан ўтаётиб бир аёл билан суҳбатлашиб турган собиқ хотининики қўриб қолади. Унга кўзи тушиши билан ичидидаги гина-қудурат олов олиб, асабийлашганча улар томон йўл олади. Аёлларга яқинлашган заҳоти дўқ уриб, квартира олиб беришни ваъда беришгани, аммо ҳауз-

гача бу масалани ҳал этишмаганини айтиб, тўполон кўтарди. Аёл купла-қундуз куни маҳаллада жанжал қилаётган собиқ эрининг қилиғидан уялиш баробарида ҳам ўзини босолмай, унга уй олиб бермаслигини, бу кетишда гадога айланишини, уйни эса ўғил ваъда қилгани учун у олиб бердишни айтиди. Бу гаплардан эр жазавога тушади. Бундан қўнган аёл шу заҳоти ўғлига телефон қилиб, унга тез етиб келишни тайинлагач, эр бу ердан жуфтакни ростлайди. Отасининг кўнғирогидан хавотир олган ўғил унинг олдига етиб келиб, воқеадан хабар топгач, отасига телефон қилиб, уларни тинч қўйишни талаб қилади. Табиийки, унинг даққилари отасига ёқмайди, устига-устак ҳақоратлар билан сўкиш эшитилади.

Она-бола уйга қайтиб, овқатланшади. Ўғил квартира олош мақсадида кўчага йўл олади. Қайнона-келин эса уй ишларига андармон бўлишди.

Бу пайта ҳам собиқ хоти-

нидан, ҳам ўғлидан даққи эшитган Б.Қаршиев жаҳдан ўзини қаерга қўйишни билмаётганди. "Жаҳл келганда ақл кетади", дейдилар. Жаҳлнинг етовига юрган Б.Қаршиев ҳам ёши 60 га яқинлашиб қолганини, насиб қилса набирали ҳам бўлишини ўйлаб ўтириб, дўконга кириб, пичоқ сотиб олади. Сўнгра "мардлик учун" 200 грамм ароқни сипқориб, хотини билан ўғлининг танобиди тортиб қўйиш мақсадида уларникига йўл олади.

У ҳовлига кирганида хотини ошхонада орқа ўғирганча нимадир қилаётган экан. Шу боис, сездирмай ўғлининг хонасига йўл олди. Қараса, ичкарида ўғли йўқ, фақат келиннинг ўзи. Ичган ароқи миясини айнитиб қўйган эмасми, айна дамда келини ҳам қўзига ёмон кўриниб кетди. Ичиди "сен ҳам шуларнинг бирисанда!" деганча, пичоқни олиб келинчаққа ташланди. Тўсатдан пайдо бўлиб, қўлида пичоқ билан ўзи томон отилган қайнотасининг ваҳожатини кўриб, келин қўрқанидан овоз чиқаришга ҳам улгурмади. Қайнота зумда уни бир ёқли қилгач, ҳовлига чиқиб, оёқ учиди ҳеч нарсадан хабари йўқ хотини томон йўл олди. Унга яқинлашганда, хотини ўғирлиди. Кўзлар тўқнашди. Б.Қаршиев яна пичоқни ишга солди...

"Кўнгли тинчигач", ўғлига кўнғироқ қилди-да, "Онанг билан хотинингни ўлдирдим", деб телефонни ўчирди. Отасининг гапи рости ё ёлғон эканлигини билолмай, эси чиқиб кетаётган ўғил уйига қандай етиб келганини билмади. Афсуски, унинг кўрқани, ўйлага-

Бегзод ЛАТИПОВ,
Бош прокуратура бошқарма
АМИБ катта терговчиси

ни рост бўлиб чиқди. Ҳовлига кирар экан, йўлакнинг ўнг томони қон эканлигини кўриб, қотиб қолди. Бироз ўзига келиб қараса, болохонага тиришиб, онаси билан хотинини кидириб бошлади. Йўлакчадаги қон изи уй томон кетганини кўриб, ўша томон югурди. Ичкарига кирса, хотини ҳали тирик экан. "Нима бўлди", деган эди, "Отангиз пичоқлади", деган жавобни эшитди. Уни шу ерда қолдириб, ҳовлига чиқди-да, онасини излай бошлади. Кўринмади. Бир маҳал болохонадан отасининг "Ана онанг, қудуқ ёнида ўлиб ётибди", деган овозини эшитди-ю, ўша томон отилди. Не кўз билан кўрсинки, онаизори қудуқ ёнида қонига беланганча жонсиз ётарди. Шу пайт хотини ҳали тирик экани эсига тушиб, ичкарига югурар экан, телефон қилиб, оғайинини чақирди. У келгач, икковлон келинни касалхонага олиб боришди. Аммо шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари натижа бермади...

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди қасддан икки кишининг умрига зомин бўлган Б.Қаршиевга 23 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Шунингдек, у тайинланган жазонинг дастлабки уч йилини турмада ўтати ҳам белгиланди.

Нафс балоси ҳеч бир инсонни яхшилик сари етакламайди. Бу иллатга йўлиқиш осон, лекин ундан қутулиш қийин. Мазкур бағога йўлиқмаслик учун эса киши олим ҳаломликини ўзига шиор қилмоғи даркор.

Нафс балоси

Алишер ТЕШАЕВ,

Навоний вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

Халолликдан бироз чекиндигми бас, нафс сени ўз сиртмоғига илинтиради. Эл-юрт олдида юзингни шувут қилади.

1991 йилда Кармана туманида туғилган Улуғбек Шарипов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ҳам нафс тузоғига илиниб, ўзига ташвиш орттирди. Ҳақиқатни англаганда эса кеч бўлган эди.

Улуғбек Шарипов 2015 йилдан 2016 йилнинг 27 февралига қадар "Ўзбекистон почтаси" АЖ Навоний филиали Кармана туман почта алоқа тармоғига қарашли "Кармана-4" почта алоқа бўлимида хат ташувчи вазифасида ишлаб келаётган эди. Аввалига у пенсия ва нафақаларни қайдномалар бўйича ҳар ойда етказиб бериш вазифасини сидқидилдан бажариб келди. Бирок нима жин урди-ю, у текин даромад топиш ҳақида ўйлаб қолди. Кеча-ю кундуз қандай қилиб бўлса ҳам кўп пул топишни ўйлади. Ниҳоят бир тўхтама қолди. Гарчи бу қилмиши жиноят эканини билса-да ортга қайтмади...

2016 йилнинг январь ойида Кармана тумани "Уйрот" қишлоқ фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи 89 нафар фуқаронинг жами 24 млн. 798 минг 810 сўмлик пенсия ва нафақа пулларини олганлиги тўғрисида уларнинг номидан имзо қўйиб ўзлаштирди ва бу пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборди.

Қилмиш — қидирмиш деганларидек, суд жавобгар Улуғбек Шариповнинг етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини инobatга олиб, унга нисбатан 1 йил-у олти ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ойлук иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Қўлга тушган киссавур

Комилжон ЯКУБОВ,

Олмазор туман прокурорининг ёрдамчиси

Ўрганган кўнғил "ўртаниб" қолса, уни тўхташиб бўлмас экан. Қолаверса, "Буқрини гўр тузатади", деб ҳам бежиз айтилмаган. Саид Азизов ана шундай инсонлардан бири бўлиб чиқди. У муқаддам эгрлиги учун бир неча бор сулланган бўлишига қарамай, қилмишларидан пушаймонлик ҳиссини туймаган экан.

Еттинчи марта қора курсига ўтириб, суд ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган бу кимса 2014 йилнинг 20 декабрь куни жазосини ўтаб, озодликка чиқарилади.

Орадан ярим йил ўтиб, 2015 йилнинг 6 июль куни Олмазор тумани ҳудудида кетаётган йўловчи ташувчи, Ўрикзор-Юнусобод йўналишидаги "Исузу" рўсумли автобусга чиққандан сўнг эски "касал"и хуруж қилади. Автобусдаги йўловчиларни кузата бошлади ва фуқаро Умида Тохированинг ёнига туриб олади. Автобусда тиқилинч ҳолат юзага келганда эса У.Тохированинг елкасига олиб олган сумкасида аввалига 200 минг сўмлик уяли алоқа телефонини билдирмай олади. Кейин 20 минг сўм пули ва яна бошқа буюмларини ҳам ўғирлаётганида йўловчилар томонидан ушланади. Бирок у айбини бўйнига олмайди, ўғирлик қилганидан тонади. Боиси, у ўғирлик йўли билан қўлга киритган телефон аппарати ҳамда турли буюмларни ерга ташлаб юборишга улгурган экан.

Бирок пуллар унинг чўнтағидан топилганидан сўнг, ҳайдовчи воқеа жойига яқин бўлган ички ишлар идораси бўлинмаси ёнида автобусни тўхташиб, жабрланувчи ва гувоҳларни тушириб кетади. Мазкур ҳолат бўйича Олмазор тумани ИИБ томонидан С.Азизовга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Унинг қилмиши бир қанча далиллар ва гувоҳлар кўрсатмаси билан ўз тасдиғини топди.

Суд Саид Азизовга нисбатан ўз ҳукмини ўқиди. Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилган бу кимсага 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



Фарзанд асосий тарбияни оилада олади. Бола ақлини таний бошлагач, дастлаб ота-онасининг ҳаракатларига тақдир қила бошлайди. Шунингдек, дунёқараши ривожланиш жараёнида гўдак ота-онасининг ижобий хислатлари билан қаторда, салбий томонларини ҳам бир маромда ўзига синглайди.

Нопок йўлнинг манзили

Рустам РАҲИМОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Боласи айб иш қилиб қўйган ота-оналар кўпинча, "Мен боламга бунақа тарбия бермагандим, бундай иш қилишига нима сабаб бўлдикин?", дея ўзларини оқлашади. Билишмайдики, бир пайтлар ўзлари томонидан болалари кўз ўнгига қилинган ноқўй ҳаракатлар, балки ўшбу қилмишга сабаб бўлгандир. Биз қуйида келтирмакчи бўлган воқеадаги судланувчининг оиласида бу каби ҳолатлар кўп бўлганга ўхшади. Боиси, бу шахс нотинч оиланинг "мева"си эканлигига асло шубҳа йўқ.

Эндигина ўн саккиз ёшни қаршилаган Ниёз Мансуров муқаддам судланишга улгурган бўлса-да, бу сафар яна оғир жиноятга қўл ўрди. Утган йил май ойининг илк кунлари. Кун пешиндан оққан маҳал пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Бунёдкор кўчасида жойлашган "Авиакасса" биноси олдида пайдо бўлган Н.Мансуров ўзининг гараж мақсадини амалга ошириш учун пайт пойларди. Шу пайт фуқаро Сабина Ҳақимова (жабрланувчиларнинг исми-фамилияси ўзгартirilган) ўтиб қолади. Унинг қўлидаги нархи 635 минг сўмлик уяли телефон Ниёзнинг эътиборини ўзига тортади. У кулай фурсатни пайлаб, С.Ҳақимованинг қўлида телефони юлиб олади ва қочиб қолади. Ушбу куннинг ўзида телефони номалум шахсларга сотиб, пулини ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди.

Ўқишга бўйни ёр бермаган Н.Мансуров тайинли бир ишнинг ҳам бошини тутмаган эди. Бу эса ёш йигитни ўз-ўзидан яна жиноятга етаклайди. 27 июнь куни тахминан соат 23:00ларда кўп қаватли уйларнинг атрофида ўзига "ўлжа" қидиришга тушади. Фуқаро Никита Петров ўзининг "LG" русумли, нархи 1 миллион 300 минг сўм бўлган қўл телефонида суҳбатлашаётган эди. Буни кўрган Н.Мансуров вақтни бой бермай, югурганча унинг қўлидаги телефони юлиб олмакчи бўлган Н.Петров қаршилик кўрсатади. Бирок босқинчи Н.Петровга мушт туширади. Кучли зарбдан ўзини ўнглай олмаган Н.Петров йиқилиб, жиддий жароҳат олади ва ҳушини йўқотади. Н.Мансуров эса одатдагидек ўзганинг мулкани кўлга киритиб, воқеа жойидан қочиб қолади.

Қонга беланиб, ҳушсиз ётган одамни кўрган йўловчилардан бири тез тиббий ёрдамга қўнғор қилади. Аммо вақт ўзатилади. Жабрланувчи кўп қон йўқотганди. Шифокорлар томонидан кўрсатилган тиббий муолажалар фойда бермайди. Н.Петров олинган тан жароҳатлари тўғрисида орадан етти кун ўтиб, вафот этади.

Қилғиликни қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларидан қочиб юрган Н.Мансуров орадан кўп ўтмай қўлга олинди. Тергов давомида у содир этган қилмишларини тан олди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди томонидан Н.Мансуровнинг қилмишлари атрофида қўриб қилинган ва у 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.



Нафсга қурбон умрлар глобал муаммога айланган иллат

Умр, ҳаёт — аслида улуг бир неъмат. Гарчи инсон ўз онги, тафаккурининг юксаклиги билан табиатан буюк бўлса-да, афсуски, ана шу неъматнинг қадрини доим ҳам англаб етавермайди. Ённки, нафси олдида ожизлик қилиб, осуа кунларини азобга алмашади.

Мана, қарийб бир аср мuddат ўтиб бормоқдаки, гиёҳвандликка қарши кураш кучайса кучайдики, асло сусаймади. Бугунга келиб эса бу кураш халқро микёсда муҳим аҳамият касб этди. Бирок бу офат инсоният бошига оғир кулфатларни ёғдиришда давом этмоқда. Кўра-била туриб, ҳаёт учун қасд бўлган гиёҳванд ўсимликларни етиштирувчилар, уни сотиш билан шуғулланувчилар кўпайиб бормоқда.

БМТ маълумотларига қараганда, дунёда ҳозир қарийб 15 миллион киши героин, 200 миллион нафардан зиёди эса бошқа турли гиёҳванд моддаларни истеъмол қилар экан. Йилдан-йилга ортиб бораётган бу рақамлар миллион-миллион инсонлар ҳаётининг захарланишини англаштириши тушуниш қийин эмас.

Ачинарлиси, моддий манфаатдорлик йўлида ўз инсоний сифатини йўқотиб, "заҳри қотил"ни етиштириш, сотиш билан шуғулланаётган "оқ ажал элчилари" бизда ҳам топилади. Бундай шахслар ноқонуний ишлари билан нафақат ўзларининг, балки ўзгаларнинг ҳам ҳаётига раҳна солаётганликларини инкор этиб бўлмайди.

"Йўл таниш"нинг муддаоси

Аскар Мўҳинов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) Наманган — Янгикўрғон йўналиши бўйича такси хайдарди. Биласиз, доимий кўчада юрган кишиларда "кўз таниш", "йўл таниш", дегандайлар кўп бўлади. Луқмон Пардаев билан Аскарнинг танишчилиги ҳам шу вақдан. Аскар асли Наманган шаҳрилик бўлган Луқмоннинг тез-тез Янгикўрғонга бориши сабабини билмасча-да, унинг машинасига доимий "михоз" бўлгани учун анча қизиқиб қолганди. Мулозамат, муомала шу даражага бориб етдики, бир кун "дўппи тор келиб турганда" Аскар Луқмондан 200 АҚШ долларини микдоридан қарз сўрашга аҳд қилди. Луқмон ҳам ҳеч иккиланмай унинг хожатини чикарди. Шу тарика "кўз таниш"лар қалингина биродарга айланишди. Ҳазор ишонч, кадр бор эди гўё улар орасида. Бундай туйғулар яхшиликка хизмат қилса, бебаҳо бўлади. Аммо унинг замирида гараз ният бўлса-чи?..

Кунларнинг бирида Луқмон ўзига бир ҳамкор кераклигини айтиб қолди.

— Қандай ҳамкор? — шошиб сўради Аскар.

— Қирғизистондан "дори" олиб келиб берувчи ишончли шерик керак. Пулидан хотиржам бўлсин.

Аскар бироз ўйланиб турди-да, танишларини ишга солиб, "дўсти"га ёрдам беришини айтди. Орадан уч-тўрт кун ўтди ё ўтмади, Луқмоннинг телефони жиринглаб, унга ишончли шерик топилганлиги тўғрисида ҳалат келди.

— Иш деган мана шундай бўпти,

— дея хурсандчилигини яшира олмади Луқмон. — 200 "қоғоз"нинг баҳридан ўтдим, ўзингни мендан қарзман, дема.

Бу гап Аскарнинг кўнглини кўтариб юборди.

— Элёр деган болага манави пулни бериб, бир килограмм "гашиш"ни олиб келиш керак, — деди Луқмон 4 минг АҚШ долларини микдоридан пулни Аскарга тутқазаркан. — Чегарадан олиб ўтиб берса бўлди, бўёғини ўзимиз уддалаймиз.

Бундай ишларга биринчи бор аралашаётган Аскар бироз чўчиди. Виджони, кўнгли оғринди ҳам. Аммо... "дўсти" олдидаги ишонч, ундан бўлган қарздорлик ҳисси унинг ортага қайтишига имкон бермасди.

Касални яширсанг...

Мазкур халқ мақолини етти ёшдан етмиш ёшгача барча билади. Бу тўғридан-тўғри ҳақиқат. Хар қандай оғрик, касалликни яширишнинг имкони йўқ. Шу маънода, ўз қилмишини пинҳон тутмоқчи бўлганларнинг қалтис ҳаракатлари, бежо боқишлари, боринги, ички бир титроқ ва кўрқувми, ишқилиб, нимадир сабаб, ўзларини ошкор қилишлари кўп бор ҳаётда ўз исботини топган.

Чегара ортидан, айланма йўллар орқали Ўзбекистон ҳудудига кириб келган бир килограмм микдориданги "гашиш" гиёҳвандлик моддасини энди Нанай қишлоғидан Наманган шаҳрига етказиш қолганди. Луқмон бу борада ён қўшниси Насим Эрматовга муурожаат қилишни режалаштирди.

Бир маҳаллада ака-укадай бўлиб қолган, бирга тепалашиб катта бўлган, эшиги ашигига ёндош Луқмоннинг муддаосини эшитган Насим иккиланиб ҳам қўймади. Ё айтилган 100 АҚШ долларини унинг ақлини кўр қилди, ённки қилаётган ишнинг нечоғли нопок, ноқонуний эканлигини ҳис этмади. Ўзига тегишли бўлган "ВА3-2103" русумли автомашинасига ўтирди-ю, "Қайдасан, Нанай?", дея шамолдай олиб кетди. Уни интиқлик билан кўтиб турган Луқмон айна пайтда Аскарнинг машинасида эди. Учовлон бироз гаплашиб, маслаҳатлашиб олишгач, Насимга унча катта бўлмаган кўндаги "товар"ни топширишди.

— Бунда телефон қисмлари бор. Эҳтиёт бўлиб етказ манзилга, ўша ерда кўришамиз, — қувлик билан қулиб қўйди Луқмон.

Ёлғиз зерикиб, шунчаки бўш кетгандан кўра, дея Насим машинасига уч нафар йўловчи ҳам олди. Буни қарангки, йўловчилардан бири ҳарбий кийимда эди ва у олд ўриндикка ўтирди. Ўзи айна дамдаёқ юрагига титроқ қирган Насимнинг кўнглидан хар хил ўйлар кеча бошлади. Машина ҳайдашда ҳам чалғиб кетарди.

— Нима гап, мазангиз яхшими? Ҳарбий кийимли йўловчининг бу саволи Насимнинг қулоғига "ана

Зухриддин БОЙЗОҚОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим катта терговчиси
Нилуфар НИЁЗОВА,
«Нуқид»

қани?" қабилида кириб, бешбаттар ҳовлиқтирди. Шу пайт машинанинг руль қисми ортга яширилган қути "тап" этиб Насимнинг оёғи остига тушди. Қизил скотчга маҳкам ўралган, шубҳали кўринишдаги бу нарса табиийки, ҳарбий кишининг эътиборидан четда қолмади.

— Нима у? — шунчаки сўрагандай ҳайдовчига юзланди у.

— А?.. Ҳа... ҳеч нима, тел... телефон запчастлари.

Кўкёр чегара постига етиб келишаркан, ҳарбий киши Насим Эрматовдан қисм ичкарасига киришни сўради.

— Нега? Мен... мен кетишим керак...

Ҳа, пинҳона ишнинг ҳуви чиққанди. Гувоҳлар иштирокида машина кўздан кечирилар экан, яширин қутидаги нарса телефон қисмлари эмас, нақд бир килограмм микдориданги "гашиш" гиёҳвандлик моддаси эканлиги ошкор бўлди.

500 нафар киши захарланишдан сақлаб қолинди

Тахминан икки грамм гиёҳвандлик моддаси бир бор истеъмол қилишга етса, бир килограмм афюн қарийб 500 кишини захарлайди. Аскар Мўҳинов, Луқмон Пардаев ҳамда Насим Эрматовдан иборат гуруҳнинг режалаштирган ва якунига етмаган юқоридаги операциялари тўғрисида, демак, шунча, балки ундан ҳам кўпроқ кишининг ҳаётига захар аралаштирилган бўлур эди. Яхшиямки, муддао аро йўлда қолди.

Ноқонуний хатти-ҳаракатлари фош бўлган ўч йигит эса суд ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилди. Насим Эрматовга тегишли "ВА3-2103" русумли автотомашна жиноят қуроли сифатида давлат ҳисобига ўтказилди.

Шу ўринда бир мулоҳазага тўхталгинг келади. Нафақат ўз ҳаёти, бошқаларнинг умрини ҳам тахликага қўйиб, турли хил жиноятлар содир этилиши, ноғирон болаларнинг дунёга келиши, бевақт ва бемаҳал ўлимга сабабчи бўлишини била туриб шу йўлни таллаган бундай кимсаларни кечириб мумкинми?

Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, бу оғун тортган ҳам, сотган ҳам ўз умрига қасд қилган кишилардир. Ачинарлиси эса, мана шу қасд домига ён-вери, яқинларини ҳам тортиб кетишидадир. Ўзгалар ҳаётига ҳавф солувчи кишиларни эса қонун асло кечирмайди.

Гиёҳвандлик — аср вабоси. У инсоният бошига не-не куйфат, балоларни ёғдирмайди, дейсиз. Унга қарши кураш эса барчамизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим. Демак, бу борада бизга, энг аввало, ҳушёрлик, фидойилик зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Миллий парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусида парламент конференцияси бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъул ходимлари, илмий доира вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Миллий парламентнинг ривожланиш йўли

Конференцияда сўзга чиққанлар Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тараққиёт йўли белгилаб олинганини таъкидлашди. Бу жараёнда инсон манфаатларига хизмат қиладиган қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган демократик миллий парламент шакллантирилди. Давлат ҳокимияти органлари тизимида унинг роли ва таъсири кучайтирилди.

Дастлаб бир палатали парламент ёш давлатимизнинг демократик сийосий тизими, адолатли фуқаролик жамияти, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларнинг ҳуқуқий негизини яратишга ўз ҳиссасини қўшди. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди, халқимизнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этишни таъминловчи сайлов тизимида ҳуқуқий замин яратилди.

Дунёда "Ўзбек модели" дея эътироф этилган ривожланиш стратегияси асосида давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилган демократик ислохотлар 2000 йилга келиб, мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи фаолиятини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш учун шарт-шароит яратди.

Президентимиз ташаббуси билан 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдуми якунлари асосида икки палатали, мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал орган — Қонунчилик палатаси ҳамда худудлар манфаатини ифода этадиган вакиллик органи — Сенатдан иборат парламентни шакллантириш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Икки палатали парламент тизимига ўтилгани мамлакатимиз пар-

ламенти ваколатлари ва назорат вазибаларининг ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Конференцияда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси палаталарнинг фаолиятини янада кучайтиришга йўл очди. Шу асосда Конституциямизга киритилган тузатишлар Олий Мажлиснинг, сийосий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ваколатларини кенгайттирди. Хусусан, Олий Мажлис ваколатларига Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш, парламент назоратини амалга ошириш киритилди.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимизда парламент фаолиятини мутлақо янги ҳолатга ташкил этиш, унинг ваколатларини самарали амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Маърузада белгилаб берилган устувор йўналишлар Қонунчилик палатасининг яқин ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган режаларига асос бўлди.

Конференцияда мамлакатимиз равнақини янада юксалтириш борасида парламент олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш ва прогноллаштиришнинг самарали тизимини яратиш хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Ўз муҳбиримиз

Муаммолар ҳал этилди

Мурожаатлар орасида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ижобий ҳал қилинганидан, прокуратура аралашуви орқали адолат қарор топганидан миннатдорчилик билдирилган мактубларни ўқиш кишини қувонтиради.

Жумладан, Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани, С.Раҳимов кўчаси 61-уйда яшовчи нафақадаги отахон Зиёвуддин Алларов таҳририятга мурожаат қилиб, шундай дейди:

— Мен қонун ҳимоячилари бўлмиш прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини қадрлайман. Уларнинг меҳнатлари шарафли. Қонун ҳимоячилари бўлмиш прокуратура органлари томонидан аҳоли соғлиғини сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тиббиёт муассасалари томонидан аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг сифатли дори воситалари билан таъминланишига оид ҳуқуқлари муносиб ҳимоя қилиб келинмоқда.

Раҳматли аёлим қандли диабет касаллиги билан йиллар давомида қийналди.

Унга тириклик даврида эндокрин касаллиги бўйича бепул берилиши керак бўлган дори-дармонлар тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан пайсалга солинганида қонун ҳимоячилари томонидан ҳуқуқларимиз тикланиб, керакли дори воситаларини бепул олишга муваффақ бўлдик. Биргина бу эмас, 2016 йилда газ таъминотининг издан чиқishi оқибатида қиш-қировли кунларда анча қийналдик. Бу борада Сурхондарё вилоят ҳамда Шўрчи туман прокуратурасига қилган мурожаатларимиз эътиборсиз қолмади. Уларнинг аралашуви билан газ оқими йўлга тушди ва бундай ҳолатларнинг сабаблари аниқланиб, бартараф этилди.

Прокуратура инсон манфаатлари йўлида қабул қилинган қонун ва қарорлар ижросини назорат қилиши билан бирга биз, инсонларнинг ишончли ҳимоячимизга айланиб улгурди. Шунингдек, менинг ерга эгалик ҳуқуқимнинг тикланишида ёрдам сўраб ёлган мурожаатларим тегишли идора ва ташкилотлар томонидан анча вақт ҳал этилмади. Буларнинг барчаси яна прокуратуранинг аралашуви билан қонуний ҳал бўлди.

Ифтихор

Орзу-умидларимиз рўёбга чикди

Юртимизда бунёд этилган Ангрн-Поп электрлаштирилган темир йўл тармоғи ва Қамчиқ туннелининг фойдаланишга топширилгани, ҳеч шубҳасиз, мустақиллигимизнинг 25 йиллигига муносиб совға бўлди.

Бу ноёб иншоот-магистрал темир йўл Хитой — Марказий Осиё — Европа мамлакатларини бир-бири билан боғловчи катта транспорт-коммуникация салоҳиятига эга.

Таъкидлаш жоизки, мазкур туннельни (19,1 км) қуриш учун бор-йўғи 32 ой вақт қийин бўлди. Ундаги асосий қурилиш ва пардозлаш ишларини Хитойнинг "China railway tunnel group" қурилиш компанияси мутахассислари қисқа муддатда сифатли қилиб амалга оширишди. Бу ерда техник жараёнлар мукамаллигини синновдан ўтказиш, бажарилган ишларни назорат қилиш Германиянинг "DB International GmbH" компанияси мутахассислари томонидан амалга оширилди.

Юртбошимиз ташаббуслари билан мустақиллик йилларида бизнинг Фарғона нефтни қайта ишлаш заводимизда кенг қўламдаги реконструкция ишлари

амалга оширилгани боис корхонамиз энг замонавий технология ва ускуналар билан қайта жиҳозланди. Натижада нефть маҳсулотлари сифати тубдан яхшиланиб, уларнинг турлари кўпайди. Айни вақтда дунёнинг кўпball давлатларига маҳсулотларимиз экспорт қилинмоқда.

Ангрн-Поп темир йўли тизими ўз фаолиятини бошлаши корхонамизга ҳам улкан иқтисодий самарадорлик келтирди. Энг аввало, хомашени ташиш харажатлари камайдди, корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати кескин ошди. Қамчиқ довомида темир йўлнинг ишга туширилиши муносабати билан корхонамизнинг бу борадаги харажатлари салкам икки бараварга қисқарди.

Юртимизда ишга туширилган мазкур темир йўлда юрларни ташиш харажатларининг бир неча баробар арзонлашиши, уларни етказиб бериш муддати икки баробарга қисқариши, янги иш ўринлари яратилиши барчани қувонтирмоқда.

Шамсиддин САИДАҲМЕДОВ,
Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи директори

Анжуман

Ўзбекистонда 3 минг турдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда "Диверсификация ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш иқтисодий ўсишининг муҳим омил" мавзусида анжуман ўтказилди.

Тадбирда депутатлар, вазирликлар, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, экспорт қилувчи корхоналар вакиллари, олимлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси Т.Эшнароров, иқтисодиёт вазирининг ўринбосари С.Шерматов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш ҳамда хусусий мулкчилик шакллари ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотларга юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида соҳани ри-

вожлантиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар озиқ-овқат товарларининг деярли барчасини мамлакатимизда ишлаб чиқариш имконини берди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўламининг ортishi қайта ишлаш тармоқларининг изчил ривожланишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда тармоқда қарийб 10 мингта корхона фаолият кўрсатиб, улар томонидан 3 минг турдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 18 февралдаги "Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан

"Ўзбекизоқовқатхолдинг" холдинг компаниясининг ташкил этилиши мева-сабзавот, гўшт-сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашни чуқурлаштириш, стратегик инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб қилишни янада кенгайтириш имкониятини яратди.

— Компания таркибиде мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишловчи, қандолатчилик ва озиқ-овқатнинг бошқа йўналишларида уч юзга яқин корхона фаолият кўрсатмоқда, — дейди "Ўзбекизоқовқатхолдинг" холдинг компанияси раиси ўринбосари Азмиддин Қамбаров. — Мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани боис чет эллик ҳамкорларнинг соҳага бўлган қизиқиши тобора ортмоқда. Хусусан, бугунги кунда компания таркибиде АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Бельгия, Австрия, Туркия, Жанубий Корея, Россия ва бошқа мамлакатлар капитали

иштирокида йигирмадан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг 12-16 июль кунлари пойтахтимизда ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Анжуманда 2016-2020 йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурининг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Қарийб 600 миллион АҚШ долларлик 180 лойиҳадан иборат дастурнинг амалга оширилиши натижасида 2020 йилга бориб озиқ-овқат саноати учун ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш 1,5 баробардан 3 баробарга оширилиши таъминланди. Шунингдек, худудларда мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга иختисослашган 14 та савдо-логистика марказини ташкил этиш кўзда тутилган.

ЎА



РИОДАН ХУШХАБАРЛАР

Ҳасанбой Дўстматов — олимпия ўйинлари чемпиони

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилаётган XXXI ёғи Олимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аввалги олимпиадаларга қараганда сермахсурак қатнашмоқда.

Айниқса, спортнинг бокс турида Ватанимиз шарафни ҳимоя қилаётган вакилларимиз халқимизни хушнуд этишмоқда.

Табиийки, Олимпия ўйинларида иш-тирок этиш ҳар бир спортчининг улкан

орзуси. Олимпиада ўйинларида голиблик шохсупасига кўтарилиш икки ҳисса шарафдир. Бокс бўйича энг энгил вазн тоифасида Ватанимиз шарафни ҳимоя қилган Ҳасанбой Дўстматов ана шундай бахтга эришди. У ҳал қилувчи финал жангида колумбиялик Мартинес устидан зафар кучиб, ўз вазнида дунёнинг биринчи рақамли спортчиси эканлигини амалда исботлади. Ҳасанбойнинг галабаси шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, байрогимиз ба-


ланд кўтарилди.

Рио — 2016 Олимпиадасида Ўзбекистон учун илк олтин медални қўлга киритган боксчи Х.Дўстматов Халқаро бокс ассоциацияси (АИВА)нинг расмий сайтига берган интервьюсида мамлакат халқи мазкур чемпионликни кутганини айтиб ўтди.

"Ҳозирги ҳиссиётларимни сўз билан ifodalаш қийин, бироқ мен бениҳоя бахтиёрман, — деди Ҳасанбой Дўстматов чемпионлик жангидан сўнг берган

илк интервьюсида. — Аввало, ўз Ватанимга меҳр-муҳаббатимни изҳор қилмоқчиман. Чунки, ярим тун бўлишга қарамай, мени оилам, Президент ва бутун мамлакат қўзғатиб турганини биламан. 30 миллионли халқ бу онларни кутган эди".

"Оилам мен учун хурсанд бўлади, чемпионликдан сўнг жуда ҳаяжондаман. Мазкур Олимпия ўйинлари учун Риога миннатдорчилик билдираман", — дея қўшимча қилди Ҳасанбой Дўстматов.



Руслан Нуриддиновдан олимпиада рекорди

Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафни ҳимоя қилаётган спортчимиз Руслан Нуриддинов Ўзбекистон делегациясига иккинчи олтин медални тақдим этди. Оғир атлетика бўйича вазни 105 кг. гача бўлган эркаклар ўртасидаги мусобақада иштирок этган ҳамюртимизга тенг келадиган рақиб топилмади.

Руслан Нуриддинов даст кўтаришда 194 кг. натижа қайд этган эди. Спортчимиз дастлабки икки уринишда 225 ва 230 кг. штангани кўтариб, олтин медални ҳал қилиб қўйди. Шундай бўлса-да, сўнгги уринишда олимпия рекорди ҳисобланган 237 кг. тошга бур-юртма берилди ва рекорд ўрнатилди!

Даст кўтаришда голиб чиққан яна бир юртдошимиз Иван Ефремов, силтаб кўтаришда 220 кг. штангани кўтарди. Унинг умумий натижаси 414 кг. ни ташкил қилди ва Иван 5-ўринни эгаллади.

Луис Густаво «Интер»га ўтади

Германиянинг "Вольфсбург" клуби ҳамда Бразилия терма жамоаси ҳужумчиси Луис Густаво катта эҳтимол билан келажакдаги фаолиятини Италияда давом эттиради.

La Gazzetta dello Sport нашрининг хабарига кўра, "нерадзур-рилар"нинг янги бош мураббийи Франк де Бур жамоа раҳбарларидан юқорида номи тилга олинган бразилиялик ҳужумчини олиб келишни сўраган.

Манбанинг ёзишича, трансфер шу haftaда амалга оширилади. Луис Густаво эса тез кунларда Миланга тиббий кўриқдан ўтиш учун учиб келади. 29 ёшли форвард "Интер" клубида хорватиялик Марсело Брозовичнинг ўрнини эгаллайди.



Муқофотлаш чоғида турмуш қуриш таклифи

Рио — 2016 Олимпиадаси спортчиларнинг кескин курашлари-га бой бўлиш билан бир қаторда, янги никоҳлар учун ҳам зам-нин ҳозирламоқда.

Жорий йилнинг 14 август кунини Олимпиада ўйинларида хитойлик спортчи Цин Каи муқофот топшириш маросимида мамлакат терма жамоасидаги ҳамкасби Хэ Цзига турмуш қуриш таклифини билдирди.

Спортчи қиз қутилмаган вазиятдан кўзига ёш олди ва рози бўлди.

Эслайтиб ўтамиз, Цинь Каи Риодаги Олимпиада ўйинларида трамплиндан сувга синхрон тарзда сакраш бўйича мусобақада бронза, Хэ Цзи эса сувга уч метрли трамплиндан сакраш бўйича қумуш медални қўлга киритган.

Интернет хабарлари асосида Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти жамоаси Департаментнинг бўлим бош тафтишчиси Бахтиёр Ходжиева акаси **Ақмал ХОДЖИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Сергели туман прокуратураси терговчиси Сарварбек Юнусова синглиси **Илтифотхон БЎТАБЕКОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳозирнинг ўзида тарих янгиланди



Рио — 2016 Олимпиадасида 70 нафар спортчи билан иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси ҳар тўрт йилликнинг энг йирик спорт фестивалидаги ўзининг энг яхши натижасини қайд этиб бўлади.

Бунга қадар Афина — 2004 Олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси учун энг яхшиси бўлиб турганди. Ушунда делегациямиз 2 та олтин, 1 та қумуш ва 2 та бронза медалига эга чиққанди.

Бу галги олимпиадада эса Ўзбекистон терма жамоаси 2 та олтин ва 4 та бронзани қўлга киритиб бўлди. Боксчи Шаҳрам Ғиёсовнинг ўз вазн тоифасида финалга етиб бургани инобатга олинса, минимум қумуш медал масаласи ҳал қилинганини тушуниш мумкин. Шунингдек, яна бир боксчи Бектемир Меликқозиев ўзи учун минимум бронза медалини нақд қилиб қўйди.

Олимпиада ўйинларида курашни давом эттираётган бир қатор ўзбекистонлик спортчилар бор экани инобатга олинса, бундан бу ёнига эришилаётган натижалар имкониятни янада ошириб бораверади.

Huquq

юрidik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'ymalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan foydalanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish fagat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

□ — tijorat material.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-8766. 38 453 nusxada bosildi. Oqoz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: **G.HOJIBOYEVA** Sahifalovchi: **S.BABAJANOV** Navbatchi: **O'.DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonada manzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbaot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004



XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ
жамоаси халқимизни
мустақиллигимизнинг
25 йиллиги
билан самимий
табриклайди!

Халқ банки жамоаси юртдошларимизга
қуйидаги истеъмол кредитларини
тақдим этади:

- мебель, электр маиший техника,
компьютер, ошхона жиҳозлари;
- уй-рўзғор товарлари;
- автотранспорт воситаларига
метан газ мосламаларини
ўрнатиш ва бошқалар...



Xalq banki — doim siz bilan birga!